ОБУНА 2000

"Ҳуррият"да пўстаги қоқилиши натижасида ишдан кетган собиқ судья айни шу газетага обуна бўлибди. Келинглар, биз ҳам у кишидек мард бўлайлик...

Андижонлик адвокатлар суҳбатидан

ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 24 - 30 ноябрь | 47 (149)-сон

ЎРИНСИЗ БАҲСДАН КИМ ЮТ(А)ДИ?

"Фидокор" газетасининг шу йил 16 ноябрь сонида босилган "Қийшиқ кўзгу аслида кимнинг қўлида" ва "Ўзбекистон овози" газетасининг 18 ноябрь сонида босилган "Ўйнаб ёзсанг-да, ўйлаб ёз" мақолалари беихтиёр мени мулоҳазага чорлади. "Қийшиқ кузгу аслида кимнинг қўлида" мақоласида бир қарашда кишини ўйлантирадиган фикр илгари сурилгандек кўринади. Аммо жиддий қаралганда, ҲДПчилар гўё Президентимизнинг ўз партияларига аъзо дея обрў орттираётганлиги ҳақидаги гаплари далиллар билан исботланмаган. Телевидение орқали берилаётган роликлар кишида, Фазлиддин Дилшод ёзганидек, кўрсатилаётган ободонлик ишларини ўша сиёсий партиялар бажарган экан-ку, деган фикрни пайдо қилиши табиий. Эътирозли томони шундаки, "Ўйнаб ёзсанг-да, ўйлаб ёз" мақоласи муаллифи Қ.Норқобил кўрсатганидек, бўлиб ўтган, ўтаётган тараққиёт ишлари аслида кимга тегишли эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Гўё беш қўл баробар эмас деганидек гап бу. Хўп, Ф.Дилшод асоссиз фикрларни мақолада баён қилган экан, Қ.Норқобил қизишиб, бир сенлаб бир сизлаш ўрнига Ф.Дилшод хатоларини бирма-бир тушунтириб, вазминлик билан ёритиб берса бўлмасмиди?

ФМДП муассислиги остида чоп этилаётган "Фидокор", ҲДПнинг нашри ҳисобланган "Ўзбекистон овози"да босилган ушбу мақолаларда иккала газета ҳам ўз сиёсий партияларининг манфаатини кўзлаётгани табиий ҳол, албатта! Бироқ ўз партиясини мақташ учун бошқа партияга лой чаплаш шартмикин? Кимнинг қайси даражада эканлигини кишиялар ўз савиясидан келиб чиқиб белгилаб оладилар-ку?

Минг афсус, бизда баҳс маданияти, умуман, сиёсий маданият, жуда-жуда паст экан.

Журналистларимизнинг газеталардан бир-бирига тош отишаётгани кишини чуқур ўйга толдиради. Бу ҳолатни кузатаётган халқнинг бу иккала партияга нисбатан ишончи сўнмасмикин? Ҳафсаласи пир бўлмасмикин?

Дилрабо МИНГБОЕВА,
ТошДУ журналистика факультети I курс талабаси

САЙЛОВ ЎЙИН ЭМАС!..

ТАШВИШ

Бугун ким билан гаплашманг, гурунгнинг бир чеккаси сайловга бориб тақалади. Қайси округда қандай таниқли шахснинг номзоди қўйилгани, унинг муқобиллари ким, кимнинг имконияти нечоғлилиги хусусида башорат қилишга борилаётир ва бу мутлақо табиий ҳол. Булар бари демократия шарофати!

Мамлакатимиз ривожига, эртанги кунига умид билан қараётган миллионлаб ватандошларимиз қатори мен ҳам тобора жўш ураётган сиёсий ҳаётга бефарқ бўлмайман. Негаки, қарийб 70-йиллик умрим давомида эллигинчи йиллардаги террорчиликка асосланган сайловлардан то "қайта қуриш" давридаги сохта демократларнинг ҳовлиқма ўйинларигача гувоҳ бўлганман. Мана энди ҳар бир фуқаро ўз кўнглидаги гапларни баралла айта оладиган бугунги кунда ҳақиқий демократия нишоналари намоён бўлаётганлигидан беҳад хурсанд бўлаяпмиз.

Лекин ана шундай масрур кайфиятда юрганингизда айрим жойлардаги номақулчиликни кўрсангиз, қаттиқ таъсирланар экансиз. Ҳамкасбларимдан бири каминани сайловда ишончли вакил сифатида иштирок этишга таклиф қилди. Бажонидил рози бўлдим. Чунки, кўп йиллардан буён ҳалол, пок юрган, диёнатли бир инсонни сайловчиларга таништириш мен учун мароқли эди. Шу тариқа Сурхондарёнинг Олтинсой туманига йўл олдим.

Муқобил номзодлардан бири туман ҳокими Рустам Алимов экан. У киши депутат бўлишга шу қадар ишқи тушганки, хатти-ҳаракатларидан таажжубга тушмай иложингиз йўқ. Албатта, ҳар бир номзод депутат бўламан дейди. Бироқ ҳоким бува... У киши учрашувга кечикиб келиши, то ҳоким келмагунча учрашувлар ўтказилмай туриши мумкин экан. Учрашувларга сайловчиларнинг 5 фоизи келса ҳам, унда фақат фаолларнинг вакили иштирок этиб, оддий сайловчи бўлмаслиги ҳам ҳеч гапмас, сайловчилар салмоғини ошириш учун улар ўрнини ҳокимлик идораси ходимлари билан тўлдирилишини айтмаса ҳам бўлаверади.

Қизиғи шундаки, Олтинсойда сайлов бобида ҳеч ерда бўлмаган "янгилик"лар жорий этилмоқда. Бу ерда ҳоким-номзод сайловолди учрашувларига милиция ходимлари билан келар, улар эшик тагида туриб, ўзлари истамаган сайловчиларни учрашувга киритмаслиги ҳам мумкин экан. Ахир, милиция назоратида турган сайловчи дилидагини бемалол айта олмайди-ку?!

Яна бир "янгилик": сайловчилар билан бўлган учрашувда кимки савол берса, сайлов мутасаддилари эмас, балки ҳокимлик ходимлари уларнинг исми-шарифини дарҳол ёзиб олишар экан. Буни таъқиб усули дейиш мумкин. Саволлар кўпайиб кетса, айниқса ноқулай вазиятга солинса, раҳбар-номзод учрашувни тўхтатишга ҳам ҳақли экан. Олтинсойда сайловолди учрашуви деб номланган томоша ҳаммасидан ўтиб тушади: унинг сценарийси олдиндан ёзилиб, режиссёр ролларни ишончли кишиларга топширар экан. Негадир роллар ижроси бир хил, чунки ҳамма ижрочилар ҳоким-номзодни улуғлар эканлар, бошқа номзодлар ҳақида лом-мим дейилмас экан. Негадир ҳамма "актёрлар" соқол қўйган ёши улуғлар бўлиб, роль улашганда бошқаларга ҳеч нарса тегмас экан. Айрим "актёрлар" ўз ролини шундай маҳорат билан ижро этдиларки, ҳатто ўзи ва оиласи қолатуриб ўз жамоаси номидан ҳам ҳоким-номзодни олқишлайдилар. Афтидан, Олтинсойдаги "демократия" шундай эканки, ишчи-хизматчилар ўзи келмаган ҳолда кимни қўллаш ваколатини ўз раҳбарига бериб юборар экан. Олтинсойдаги учрашувларда негадир оддий номзодлар ўз дастурини баён этса, раҳбар-номзод дастурини халққа очиқ-ойдин айтмасдан, уни кейинчалик матбуотда ўқийсиз, деб қўяр экан.

Олтинсойдаги сайлов ҳангомасининг яна бир "янгилиги" бор: бошқа номзодлар ўзининг дастури билан сайловчилар кўнглини овласа, раҳбар-номзод ўзгалар, яъни катталар обрўйидан фойдаланиш йўлидан борар экан. Сайловчилардан бири: "Нега, биз ўқитувчиларга 3 ойдан буён иш ҳақи берилмайди?", деб савол берганди, раҳбар "бу провакация-бўҳтон, Президент вакилига туҳмат", деб дўқ урса бўладими?!

Олтинсойда таажжубланарли яна бир ҳолатни кузатиш мумкин. Бу — бошқа номзодларнинг сайловчилар билан уларга қулай шаклда учрашувини зимдан тақиқлашдир. Корхона, хўжалик, ташкилот раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари ва ҳатто, бозор бошлиқларига юқорининг рухсатисиз (ахир учрашувларни қонунга биноан округ сайлов комиссиялари ташкил этишади-ку?!) учрашув ўтказиш man этилган экан. Олтинсойда, афтидан, қонун ўрнига маъмурий буйруқбозлик устивор шекилли. Қонун белгилаган тартибга кўра сайловчилар билан номзоднинг якка тартибда учрашиши учун ҳокимиятдан рухсат сўралмайди. Бу ҳақда участка сайлов комиссияси хабар қилишининг ўзи кифоя.

Демократик сайлов ҳаммага, номзоднинг қандай лавозимда бўлишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқли эканлигини эътироф этади, улар учун тенг шароит яратишни талаб қилади. Ҳар бир номзод қонун йўли билан сайловчилар овози учун курашиши табиий бир ҳол, қайси номзод кўп овоз олса, у ғалаба қозонади, лекин кураш ҳалол бўлиши шарт. Афсуски, Олтинсойда шундай бўлмаяпти.

Хуллас, демократия йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди, аммо Олтинсойга етиб кела олмабди, чунки манзили узоқ экан.

А.ЎЛМАСОВ,
Депутатликка номзоднинг ишончли вакили

Таҳририятдан: Таниқли иқтисодчи олим, профессор А.Ўлмасов юқоридаги мақолани андак ҳаяжонланиб ёзгани билиниб турбди. Бироқ бу ҳаяжон номзод-ҳоким Р.Алимовнинг шаънини ерга уриш ёки муаллиф ишончли вакил бўлган яна бир номзоднинг ёнини олишга қаратилмагани — диққатга сазовордир. Таҳририят яна бир бор такрорлайди: "Ҳуррият" томонлардан бирига ён босиш фикридан мутлақо йироқ. Биз учун муҳими —қонун устивор бўлсин, ғалабага қаратилган барча ҳаракатлар тегишли қонун ва унга тенглаштирилган Марказий сайлов комиссиясининг қарор ва йўриқномалари доирасида амалга оширилса бўлгани. Агарки, ушбу мақоладан кимда-ким норози бўлса — марҳамат, уларнинг фикрини ҳам чоп этишга тайёрмиз. Мақсад битта — сайлов ҳалол бўлсин!



— Ҳамманинг дастурида ёшлар масаласи бор: кимга овоз бермасам экан?..

ПОРАХЎРЛИК

Жамият танасидаги бу оғриқли ярани даволаш мумкинми?

Ҳеч нарса одамларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимидаги порахўрлик каби чалғитиб, бузмайди. Агар судья сотқин бўлса, прокурор сотилган бўлса, милиция жиноий мафия билан боғлиқ бўлса, фуқаролар қонунга, давлатга қандай ишонсин?..

Ислом КАРИМОВ

ИЛЛАТ

Мен яхши эслайман: ўтган йилларда айрим кинофильмлар, сахна асарлари томошабинлари билан бўлган учрашувларда, китобхонлар анжуманларида, ҳозир эса, кўпинча маъруза вақтида талабалар, ўқув юртлари тингловчилари орасида тез-тез нопок амалдорлар, порахўр "адолат посбонлари" ҳақида гап кетади. Гоҳида кескин, баҳс-мунозараларга айланадиган бу гап-сўзлар фақатгина айрим катта мансабдорлар учунгина нохушдир. Айнан шу ҳолат мени қўлга қалам олиб, мазкур мавзуда мушоҳада юритишга ундаган бўлса, ажабмас.

Гап бошлашдан аввал мен баён этилажак фикр-мулоҳазаларни айнан ўзларига қаратилган, деб ўйлаган ва дарҳол сергак тортган айрим ҳамюртларимни тинчлантирмоқчиман. Кимнингдир шаънини ерга уриш ниятим йўқ. Асло! Ушбу мақолада мен порахўрлик синоатларига доир шахсий фикр ва тушунчаларимни, бу иллатга нисбатан шахсий муносабатимни билдирмоқчи бўлганман, холос.

Гапнинг ростини айтсам, жиноятнинг бир тури сифатида порахўрликнинг илдизини қуритиш жуда қийин. Бунинг боиси шундаки, жиноятда гумон қилинаётган шахснинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 210, 211,212-моддаларига тўғри келувчи("Пора олиш", "Пора бериш", "Пора олиш-беришда воситачилик қилиш") хатти-ҳаракатларини соф профессионал тарзда, ўта ҳаққоний йўсинда исбот этишнинг деярли имкони йўқ. Негаки, пора олиш ҳам, бериш ҳам пинҳоний (интим) хусусиятга эга. Бундай ишлар ҳеч қачон намойишкорона бажарилмайди. Гумондорни айни жиноят содир этган вақтда ушлаш ҳоллари ҳам ниҳоятда кам учрайди. Шу боис ҳалокатга учраган собиқ шўролар замонида мазкур жиноят бўйича тергов иши тўплаган маълумотлар омонат, ғарибона кўринишга эга бўлар ва аксарият айбловчи гувоҳнинг кўрсатмаларига асосланарди ("... фалон йилнинг фалон санасида мен фалончига шунча миқдордаги пулни пора сифатида бердим..." ва ҳоказо), сўнгра турли жисмоний ва руҳий тазйиқлар ёрдамида айбланувчи шахсдан ўз иқрори "суғуриб" олинар ҳамда бу иш бетўхтов судда кўрилиб, якуний ҳукм чиқариларди. Тегишли ташкилотларга эса "ёвузликнинг пайи қирқилди, жиноятчи жазосини олди", қабилидаги ҳисоботлар топширилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 213- ("Хизматчини пора эвазига оғдириш") ҳамда 214- ("Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш") моддаларига мувофиқ келувчи жиноий хатти-ҳаракатлар ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз.

Келинг, аввало "пора" тушунчасига таъриф берайлик. Замонавий ҳуқуқий луғат "порахўрлик"ни яхлит атама, яъни давлат ҳокимиятига, давлат хизмати манфаатларига зид бўлган икки хил мустақил, лавозимий жиноятни - пора олиш ва пора беришни мужассамлаган атама сифатида изоҳлайди. ЎзР.ЖКнинг 212-моддасида пора олдибердисидаги воситачиликка ҳам жазо чоралари қўлланилиши кўрсатилган. Шуни қайд этмоқчиманки, жиноятнинг мазкур таркиблари бўйича анчагина қаттиқ жазолар белгиланган. Агар ЖКнинг 212-моддасига асосан суд шахсни саккиз йилгача озодликдан маҳрум этиш ҳуқуқига эга бўлса, 211-моддада бўйича **"пора берди"**да айбланган одам ўн йилгача қамалиши мумкин. Ниҳоят, ЖКнинг "Пора олиш" моддасига кўра, айбдор мол-мулки мусодара қилинган ҳолда ўн йилдан ўн беш йилгача панжара ортига ўтказилиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан англашилиб турибдики, порахўрлик давлат учун энг хавфли жиноятлардан биридир. Чунки бу иллат иснод бўлибгина қолмасдан, балки шахс ва жамият учун ҳам, давлат тузилмаси учун ҳам катта хавф туғдиради.

Буни биз шўролар иттифоқи деб аталган "буюк мамлакат"нинг емирилиши мисолида ҳам равшан кўрдик: унинг давлат-фирқа аппарати ақл бовар қилмайдиган тубанликларга шу қадар муккасидан кетган эдики, ҳатто ўзини-ўзи ҳалокатга маҳкум этганини ҳам сезмай қолди.

2-БЕТ

ЎЗИ МУНЧА, ТАШВИШИ ШУ=УНЧА...

ТАНҚИД

"Гонорар" қалам аҳлини моддий рағбатлантириш турларидан бири экани яхши маълум. Ижодкорлар, хусусан, биз - журналистлар уни "қалам ҳақи" дея ўзбекчага ағдарганмиз. Дейлик, бир мақола ёзиш ташвиши тоғдек, қўлга олган ҳақ миқдори ёнғоқдек бўлса-да, носвой пулига ҳам етмайдиган "гонорар" зорманда мудом тотли, мудом ширин. Шу арзимас пулдан олинадиган солиқ ва бошқа тўловларга ҳам чидаш мумкин: Республикамиздаги газета ва журналларда муаллифларга тўланадиган қалам ҳақи ўртача 100 дан 1000 сўмгача бўлиб, бу миқдордан 45 фоизгача даромад солиғи, 2 фоиз ижтимоий суғурта учун, 10 фоиз почта ёки жамғарма банк ҳақлари учун ушланиб муаллифга боргунча қанча қолишини бир тасаввур қилинг. Устига устак, ана шу суммадан таҳририят яна 37,3 фоиз ижтимоий суғурта жамғармасига, 1,2 фоиз касаба уюшмасига ва 1,5 фоиз меҳнат биржаларига ажратмалар тўлайди. Бунга ҳам чидаш мумкин эди, агар юқори ташкилотларнинг кўрсатмаларига биноан гонорарни фақат "Халқ банклари" орқали тўланиши шарт қилиб қўйилмаганда! Турган гапки, бу "шарт" учун Халқ банки яна 3-7 фоиз ҳақ ушлаб қолади. Муҳими бу ҳам эмас. Гап шундаки, таҳририятга мақоласини жўнатаётганда муаллиф ёши, паспорт маълумоти, яшаш ва иш жойларининг манзилини газетага ёзиб юбориши ва газета билан шартнома тузиши шарт. Сўнг 300-500 сўмлик гонорарини Тошкентга келиб, Халқ банкидан олиши керак бўлади. Энди фараз қилинг: Хоразм ёки Бухорода истиқомат қилувчи муаллиф шу ишни қилиши мумкинми? Бу ғирт бемаъниликку?! Ундан ташқари гонорар суммаларини ташкилотларнинг (таҳририятларнинг) банкдаги ҳисоб рақами орқали нақд олишда қатор муаммолар пайдо бўлмоқда. Пул олиш билан боғлиқ йўриқномаларни эса гонорар ҳақидаги тасаввурдан бутунлай йироқ одамлар яратгандек. Ҳужжатларга мурожаат қилсак:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 июль 356-қарорида банкдан фақат маош ва унга тенглаштирилган тўловлар, нафақа жамғармаси тўловлари нақд пул билан берилиши айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитасининг Молия, Меҳнат вазирликлари ва Республика Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда 1995 йил 04 январида имзоланган йўриқномасининг 6.1.12-бандида эслатилгандек: "маъруза ўқиш, радио, телевидениеда чиқиш, таржима ва ҳ.к.лар учун чет ходимларга тўланадиган гонорар нақд пул шаклида берилиб, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига киради", дейилган. Мазкур йўриқноманинг 8.3-бандида эса "Муаллифлик гонорари (қалам ҳақи) меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига кирмайди", дейилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1998 йил 25 июл 13/4 баённомасида аҳоли даромадларини фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳисоб рақаларига ўтказиш тартибида: "гонорар тўлови банк ҳисоб рақамлари орқали бажарилган иш далолатномаси ва шартнома нусхаси асосида нақд пулсиз амалга оширилиши мумкин", дейилган.

Республика Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитаси марказий ҳисоблаш марказининг Марказий банкка юборган 1997 йил 14 август 8-115-12-сонли хатида эса: "муаллифлик гонорари дейилганда, фақат антиқа, йирик асарлар, ҳайкалтарош, рассом, драма асари, китоблар учун олинадиган ҳақлар тушунилсин", деган "аниқлик" киритилган.

Юқоридаги муаммога ойдинлик киритиш мақсадида баъзи ҳужжатларга яна мурожаат қилдик:

"Умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи, халқчил, маънавий, ахлоқий анъаналарнинг бундан буёнги ривожланишига имкон берувчи асарларни яратиш ижодий жараёнини фаоллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 июн Қарорида ва "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуннинг ҳеч қайси бандида "муаллифлик гонорари нақд пул олинишига қараб меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига киради ёки кирмайди" дейилган жойи йўқ. Ахир мантиқан ўйлаб кўрилса ҳам, чет муаллифларнинг гонорари меҳнат жамғармасига кириб, штатдаги ходимларнинг гонорари кирмаслиги бемаъниликнинг ўзгинаси-ку! Юқоридаги йўриқномага кўра иш тутилганда, таҳририят ходими, ёзган мақоласи учун бир неча юз сўмни банкдаги таҳририят ҳисобидан нақд ололмай, яна пул сарфлаб, овора бўлиб, асабийлашиб Халқ банки орқали (ўшанда Халқ банкида пул бўлса) олиши инсофданми? Фақат йирик асарлар яратган ижодкор "муаллиф" ҳисобланиб, газета ва журналларда мақоласи чиққан "муаллиф" деб ҳисобланмаслиги фуқаронинг муаллифлик ҳуқуқини чеклаш эмасми?! Ахир қонунда "Республикамизнинг ҳар қандай фуқароси қайси жойда ва қайси мансабда ишлашидан қатъий назар, ижоднинг ҳар қандай тури билан шуғулланиш ҳуқуқи Конституцион ҳуқуқ ҳисобланади"... Ёки "Амалдаги қонунчиликка кўра, фуқаро ҳуқуқининг чекланишига йўл қўйилмайди. У ижоднинг натижаси ва бажарган иши учун тегишли ҳақ олишни талаб қилишга ҳақлидир" дейилган-ку?!

1994 йил 11 июлдаги Қарорга шарҳ тариқасида эълон қилинган Республика статистика департаментининг 1995 йил 24 январ йўриқномаси 8.3-бандида "меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасига кирмай, тўланадиган тўловлар" каторида муаллифлик ҳақи (гонорар)нинг ҳам кўрсатилганлигига қарамасдан, у Марказий банк томонидан нотўғри талқин қилинмоқда.

Банк, статистика ва солиқ ходимлари эътибори учун юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган қуйидагилар муаллифлик гонорари берилишига асос бўлади: хабар, шарҳ, суҳбат, репортаж, очерк, фельетон, интервью, тақриз, фотосурат, таржима, ҳажвия, барча сценарий турлари, мусиқа ва драма асарлари, бадиий асарлар ва ҳ.к. ижодий-журналистик, ижтимоий-сиёсий ва публицистик, адабий-бадиий, саҳна асарлар. Ушбу ижод ҳақи, мансаб вазифаларини бажарганлиги учун оладиган маошдан мутлақо ўзга нарса бўлиб, қайси вақтда яратилганлигидан қатъий назар, тангридан ато қилинган қобилият эгасининг ижод маҳсули бўлиб, унинг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади ва баъзи лоқайд банк ходимлари қаршилигига қарамасдан нодир асарлар яратишга илҳомлантиради.

Бироқ мутасаддилар буни қачон тушуниб етади?

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД

ЎҚИЁТГАН ОДАМ

у ҳурматга сазовор эмасми?

МУЛОҲАЗА

"Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади."

Эдуард ЛАБУЛЕ,
француз публицисти

... Яқинда телевизорда маънавиятга доир қандайдир кўрсатувни олиб бораётган йигитча фахр билан: "XXI асрда китоб бўлмайди, компьютер дисклари уларнинг ўрнини босиб кетади!" деди.

Эҳтимол, ушбу бизнинг назаримизда ўта хусусий бўлиб кўринган фикрга эътироз билдириб ўтиришнинг ўзи ортиқчадек эди. Зеро, кўпчилик бохабар, фотография пайдо бўлган маҳал дарҳол: "Энди рассомчиликнинг умри тугади!" дея аюҳаннос солишган. Ё бўлмаса телевизор пайдо бўлган заҳоти театрлар фаолиятига гўр қазишга шошилишган. Ёки бўлмаса видеомагнитофонлар туғилишини кинотеатрларнинг жон беришига менгзашганини эсга олинг. Инчунун, минглаб мўъжизакор энг сўнгги русумдаги компьютерлар инсоният онг-тафаккури, қалбининг энг улуғ маҳсули бўлган китобнинг ўрнини босолмаслиги кундек равшан.

Аммо... орадан бирон ҳафта ўтар-ўтмас, бутун халққа ўзларининг қандай таом тайёрлашларини (!) кўз-кўз қилиб ўтирган элимизга таниқли икки артистдан бирови ногаҳон истаган китобдан бир саҳифа ўқиса бас, шу заҳоти ҳеч қандай уйқу дорисиз ҳам донг қотиб ухлаб қолишини айтди ва мириқиб кулиб олди. Ушбу шодумонликка яйраб қўшилган иккинчи артист ҳам ўзида худди шундай "фазилат" борлигини ошкор этишга шошди... Яна денг бу иккала эътироф ҳам шу қадар самимий (балки буям профессионал артистликнинг бир кўринишидир) ҳамда оддий томошабин кўзига ҳам яққол ташланиб турган фахр-ғурур ҳислари қоришмасида ўтдики, киши беихтиёр "тавба!" дея ёқасини ушлайди.

Хўп, китобларни келгуси асрга киритишни истамаган йигитча-ку, ёшлик-ғўрлик қилиб, қизишиб кетгандир. Бироқ эл назаридаги икки артистга нима бўлди? Қачондан буён бир саҳифа китоб ўқир-ўқимас пишиллаб ухлаб қолиш ғурурланиш воситасига айланиб қолди?! Қачондан буён ақлий танбаллик мақтаниш учун дастак вазифасини ўтай бошлади?.. Горький ўзидаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдор экан, бизнинг ҳурматли артистларимиз ухлатиб қўювчи демидрол вазифасини ўтаётгани учун китобга раҳмат айтишмоқдами?..

2-БЕТ

ДУНЁ САЙЛОВ ТИЗИМЛАРИ

уларнинг аҳамияти, ўзаро фарқи ва ўзига хос томонлари хусусида

НАЗАРИЯ

Дунёда Парламенти ва Президентини ўз хоҳиш-иродаси билан сайлаш ҳуқуқига эга халқ борки, албатта, бу бурчни сайлов орқали амалга оширади. Шу маънода сайловлар - халқнинг овози, фуқаролик бошқарувидаги мамлакат ҳокимиятининг пойдевори дейиш мумкин. Бир қарашда сайлов барча учун тушунарли, оддий «сайлаш» деган маънони англатади, аммо бу сўзга бугунга келиб, дунёдаги юзлаб мамлакатлар ҳукуматини вужудга келтираётган жараён сифатида қарасак, сайловлар моҳиятининг кўлами нақадар чуқур эканлиги ойдинлашади.

Ҳар бир мамлакатда сайловлар муайян сайлов тизими орқали амалга оширилади. Чунки мустақилликка эришиб, демократик тараққиёт сари йўл олган ҳар бир суверен давлат ўз Президенти ва Парламентини сайлаши учун бирор сайлов тизимини танлаб олиши шарт.

Ҳозир дунёда мавжуд икки юздан ортиқ мамлакатда бирбиридан қисман ёки кескин фарқ қилувчи юзлаб сайлов тизимларидан фойдаланилади. Шундай бўлса-да, соҳа мутахассислари содда ва кўпчиликка тушунарли бўлиши нуқтаи назаридан мавжуд сайлов тизимларини асосан тўрт гуруҳга ажратади: **булар мажоритар, пропорционал вакиллик, ярим пропорционал ва аралаш сайлов тизимларидир.** Ўз навбатида бу тўрт йирик тизим ҳам бир қанча гуруҳга бўлинади. **Биргина мажоритар сайлов тизими плюрал, икки босқичли ва муқобил овоз беришдан ташкил топган.** Ягона ўтказувчи, умумий ва чекланган овоз бериш тизими ярим-пропорционал сайлов тизими таркибига киради. Энг йирик сайлов тизимларидан бири пропорционал вакиллик эса партиялар рўйхатига очиқ ва ёпиқ тарзда овоз бериш қоидасига асосланган.

3-БЕТ

ЙЎҚ-Э!

"Эрта" — "бугун"нинг давоми

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА ҲУРРИЯТ 1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

ИСФАНДИЁР

ПОРАХЎРЛИК

Жамият танасидаги бу оғриқли ярани даволаш мумкинми?

Ўзбек ишбилармонларига улкан ҳудудда сохта сиёсат юргизган шўролар тузуми қулаганидан кейин тижорат оламида қандай ўзгаришлар юз берганлиги аён. МДҲ мамлакатларининг деярли ҳувиллаб ётган ички бозорларига ғарб ишбилармон доираларининг вакиллари ёпирилишди. Улар маданиятли бозор муносабатлари ва ўзларининг хийла дўстона кутиб олинишларига умид боғлагандилар. Аммо умидлари чиппакка чиқди. Коммунистик тузум йўқлик қаъригa қулаганидан сўнг ҳам ўз ҳукмронлигини сақлаб қолган бюрократик тузилма ўз манфаатлари сарҳадларини ҳамон қаттиқ қўриқларди. Идорама-идора юриб, сарсон бўлган ғарблик тадбиркорлар ҳар қандай эшикни совға-салом воситасида очиш мумкинлигини, ҳар қандай тўсиқдан эса пул солинган хат жилд (конверт) ёрдамида ўтиш жуда осонлигини тезда фаҳмлашди. Иш шу даражада бориб етдики, улар тузиладиган ҳужжатларга давлат амалдорларини сотиб олиш учун сарфланадиган маблағлар (айтайлик, шартнома умумий миқдорининг 10 фоизи кўрсатилган алоҳида модда кирита бошлашди. Зеро, бу - корхона бемалол фаолият юритишининг энг муҳим шартидир. Нафсиламрини айтганда, катта-кичик тўралар Иван Грозний замонларидан бери бетиним "озиқланиш" ва порахўрлик руҳида тарбияланиб келган. Император Николай II юқори мансабли фуқароларидаги мазкур иллат билан роса курашиб, бу борада ҳеч армони қолмади. Лекин охир-оқибат у ҳам "синди". Унинг тақдирга тан бериш оҳангида айтган сўзлари бизгача етиб келган: **"Пора оладиган ақлли, фаросатли мансабдор пора олмайдиган ҳалол ахмоқдан кўра яхшидир".**

Яқинда бир ёш журналист мендан республика олий ўқув юртларининг муаллимлари орасида мавжуд турли шакллардаги олди-бердилар тўғрисидаги саволларга жавоб беришни илтимос қилди. Аммо менинг назаримда, ушбу муаммо бундан 5-10 йил илгари бўлганидек ўткир, долзарб масала эмас. Ўзбекистонда имтиҳонларни қабул қилишнинг тест усули жорий этилганидан сўнг бу борадаги вазият анча яхшиланди. Албатта, ҳар жабҳада бўлганидек, тест тизимининг ҳам мусбат ва манфий томонлари ҳақида баҳслашиш мумкин. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Гап шундаки, мазкур тизим кириш имтиҳонлари пайтида имтиҳон олувчилар ёки абитуриентларнинг ўзбошимчаликларидан, шунингдек, одатдаги синовлар вақтида талабаларнинг номақбул ишларидан ҳимояловчи бир қалқон бўлиб турибди. Шуни ҳам очиқ эътироф этиш зарурки, бундай касалликни республикамиздаги олий ўқув юртлари бошидан кечирган эди. Мен маълум муддат таҳсил олган шаҳар - Москвадаги институт муаллимлари порани ўнчалик билишмасди, десам янглишмайман. Эҳтимол, ана шу ҳолат бир қанча йил аввал республикамиздаги олий ва ўрта махсус ўқув масканлари ўқитувчилари таркиби орасида қатъий "тозалаш тадбири"ни ўтказишга туртки берган бўлса, ажаб эмас. Камина республикамиздаги олий ўқув юртларида ўқиб юрган кезларимда, чунончи, нисбатан яқинда ҳуқуқшунослик институтида оддий талаба сифатида таълим олганимда, мен ҳам, менинг курсдош дўстларим ҳам бундай ҳолга бирор марта бўлса-да, дуч келмадик. Шу билан бирга у ёки бу ёндош гуруҳдаги талабалар имтиҳон оладиган "домла" учун пул йиғишаётгани ҳақидаги гапсўзлар қулоғимга чалиниб қоларди. Лекин булар мишмиш эди, холос.

Ана шу мавзуда фикр юритар эканман, беихтиёр кўз олдимда баъзи ношуд ва ялқов талабалар гавдаланди: улар кўп дарсларга кирмас, кўп дарсликларни эса 5 йил давомида ақалли бир бор қўлга олиб ўқиш тугул, муқоваси қанақалигини кўрмагандилар ҳам. Шунга қарамай, бу чаласавод "аҳли илм"лар қандайдир йўсинда қоқилмай-суринмай давлат имтиҳонларигача етиб борар ва таажжубки, олий маълумотли эканини тасдиқловчи шаҳодатномага ҳам эга бўларди.

Мансабдорлар орасидаги порахўрлик эса бутунлай бошқа гап. Буни деярли ҳар бир фуқаро яхши билади, порахўрга иши тушганлар кечалари тўлганиб, алламбалолар деб ғудранишади, бисотидаги бор сўз бойликларини ишга солиб, "лаънати жонсўрарлар"ни бўралаб сўкишади. Лекин ўша "жонсўрар"лар билан юзма-юз келиб қолганда, "жабрдийда" улар билан қучоқлашиб кўришади, боз устига, пайти келиб бирор иш унинг ихтиёрида бўлиб қолганда, ўзига "мукофот" талаб қилишдан сираям тап тортмайди.

Яқинда матбуот нашрларидан бирида ишлаётган журналист ҳамкасабим билан гурунглашдик. У бутун республикада шов-шув бўлган катта лавозимдаги шахснинг жиноий иши бўйича мақола тайёрлаётган экан. "Унинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиққач, - деди ошнам ҳайрат ва нафратини яширолмай, - унга нима етмаганлигини билолмадим. Унинг ҳаёти ҳавас қиларлик даражада ажойиб кечаётганди: меҳнат фаолиятини оддий ходимликдан бошлаган, ўз ишининг устаси бўлгани боисми, янада юқори мансабларга жуда тез ва равон кўтарилиб, ўттиз ёшида бир йирик соҳа вазирининг ўринбосари даражасига эришган. Лекин озми-кўпми тажриба тўплаган, айни кучга тўлган чоғида шундай воқеа рўй бериши... Чамамда, катта ҳокимият ва бойликдан унинг қўзлари қамашиб, боши айланган бўлса керак".

Тўғри, дея ошнамнинг фикрини маъқулладим мен.

Юқорида тилга олинган давлат хизматчиси бунчалик беғубор ва тезкор "кўтарилиши"нинг сабаби эса жуда оддий. Ҳаргиз ёддан чиқармаслик керакки, ўша ниҳоятда омадли шахснинг яқин қариндоши бир вазирликнинг бош раҳбари эди. Юксак мартабали одамга қонқариндошлик ўз ишини тугал адо этди. Инчунин, бирининг йиқилиши иккинчиси учун ҳам худди шундай оқибатни келтириб чиқарди.

Умуман, турли даражадаги тўраларимизни ўз домига олган бу иллат ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин бир ғалати қонуниятни эътиборга олишимиз лозим: порахўрликка қарши кураш ҳамма вақт бўлиб келган, бундан кейин ҳам давом этади. Лекин ҳали бирон бир давлатда бу иллат таг-томири билан йўқотилган эмас. Ахир, биз Москов бошқа республикаларга ҳам пўписа қилиб ҳуқуқий ниятида Ўзбекистонни порахўрликни йўқотиш бўйича тажрибахонасига айлантирган даҳшатли кунларни яхши эслаймиз. Бироқ, айтиб ўтганимиздай, пора олиш-беришни исботлаш ҳатто чексиз-чегарасиз ваколатларга эга бўлган масъул ходимларга ҳам (Гдлян, Иванов, Бутурлин, Усатов, Дидоренко кабилар) осон эмасди. Улар очкўз чигирткадай бутун республикани қоплаб олдилар ва тўғри келган нарсани аямай ғажиб-вердилар.

Бироқ "Қизил" империя қулади, мустақилликка эришган Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат қура бошлади. Гўё эски тизимнинг барча қабоҳатлари муомаладан чиқиб кетадигандай эди, лекин... Лекин кутилмаганда каттагина айрим давлат амалдорларини порахўрликда айблаб қўлга олишди ва "одил ҳукм" сифатида тўрт йилга озодликдан маҳрум этишди (жуда йирик миқдорда пора олгани ва ҳизмат мансабини суиитеъмол қилгани учун!).

Ҳолбуки, адолат шамшири баъзан майда порахўрликни шунақанги қаттиқ жазолайдики, беихтиёр нафасинг қайтиб кетади. Мен яқинда порахўрликда айбланаётган тўртта ёш боласи бор З.Бердиеванинг суд жараёнида иштирок этдим. Тергов ва суд уни 210-модданинг 2-қисми билан айблади, яъни хизмат мансабидан фойдаланган, фаолиятини такрорлаган, деган айб қўйди. Ваҳоланки, суд жараёнида аёлнинг ҳеч қандай хизмат мавқеидан эга эмаслиги аниқ исботланган, демак, аёл мазкур модда билан айбланиши мумкин эмас. Қонунан олганда, аёл ЎзР.ЖКнинг 214-моддаси билан айбланиши, яъни таъмагирлик йўли билан ўн минг ва беш минг сўм олган, дейилиши керак эди; аммо тергов юқоридаги моддани қўйди, прокурор буни тасдиқлади, суд эса ишни ниҳоясига етказди. Оқибатда 5 йилга ҳукм ўқилди. Энди болалар беш йил она тарбиясисиз қоладиган бўлди. Бу ҳукмдан ким ютди? Тартибни ҳимоя қилиш органими? Тўрт бола (14 ёшли ва беш ёшли эгизаклар) сағир қолган жамиятми? Ахир, болаларга оғир касал ота ёки 83 ёшли кўзи ожиз кампир зарур таълим-тарбияни бероладими?

Оқибат шу бўлдики, Тошкент шаҳар судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати И.Қобилов раислигида Ўз.Р Жиноят Кодексининг енгиллаштирувчи моддасини қўллаб, маҳбусни озодликка чиқарди.

Шу ўринда яна бир воқеа ёдга тушади. Андижон вилоят суди нотариал идора ходимаси Зунуннова Лобарни 4 минг сўм пора олганлиги учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди бу ҳукмни ноқонуний деб топди ва уни 5 йилга келтириб, аёлни авф (амнистия) йўли билан озодликка чиқарди.

Бизнинг тергов ва суд амалиётимизда асосланмай меъёридан ошириб юборилган ҳукмлар анчагина. Ҳатто, жуда кўп дейиш мумкин! Бунинг сабаби - адвокатура тизими яхши ишламаётганлигида. Бунинг сабаби - Судлар Конституция берган ваколат доирасида ишламаётганлигида. Бунинг сабаби - прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот органлари ўз қўлларида шунчалик кўп ҳокимиятни тўпладиларки, энди бу ваколатлардан ўзлари ҳам азият чекмоқдалар.

Аммо ҳуқуқ-тартибот хизмати тизимида ҳам мулоҳазали одамлар борки, улар ҳам мавжуд воқеликдан зада бўлганлар. Прокуратура ходимининг суд босқичларини тамойилсизлик (принципсизлик)да айблаган таъналари ёдга тушади: "Биз айблов хулосасини имзолаймиз, олдиндан оширилган жазо чораларини сўраймиз, бироқ суднинг вазифаси у ёки бу моддани бекор қилиб, бошқасини қўллаш, жиноятга мос жазо бериш-ку! Суд ҳеч қурса, ишни қайта терговга юбориши керак. Аммо онда-сондагина шундай қилишади. Нимадан қўрқишади? Бизнинг протестлардан. Яхшиям қўрқишади, чунки прокуратура охиригача ўз нуқтаи назарида туриши, ўз кадрларини ҳимоя қилиши керак.

Судлар-чи? Улар ўз кадрларини ҳимоя қила оладиларми?"

Мен бу гапларни эшитиб, очиғи, қўрқувга тушдим. Эсладим: судья журналистга суд залида техникасини ишлатишни маън қилди.

Бу жуда жўн ва тушунарли ҳодиса эди: судья Олий Мажлис тасдиқлаган "Судлар тўғрисида"ги Қонун асосида иш юритарди.

Бироқ журналист ҳам Олий Мажлис тасдиғидан ўтган "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун асосида иш юритаргани.

Кўриб турганингиздек, икки Қонун моддалари бирбирига зид келиб турибди: журналист аппаратлардан фойдаланишга ҳақли. Суд эса радио-видеоаппаратдан фойдаланишни маън қилишга ҳақли...

Беихтиёр савол туғилади. Бизнинг қонун чиқарувчи олий органимиз қандай қилиб бир-бирига зид иккита қонунни қабул қилди экан? Янги қонун лойиҳаларини таҳлилдан ўтказадиган, экспертиза қиладиган, аввал қабул қилинган қонункодекслар билан солиштирадиган Адлия вазирлиги нега ҳанузгача бефарқ?

Лекин тилга олинган бу воқеадек аҳён-аҳёнда бўй кўрсатадиган адолат тантанаси иллатни ildизлари билан кўпориб ташлаш учун ёрдам беролмайди. Бир қарашда жиноятчиликни, бу ўринда эса порахўрликни батамом йўқотиш учун иқтисодий муаммоларни ҳал этиш кифоядек туюлади. Яъни, давлат аппаратида ишлаётган ходимларнинг иш ҳақини шу қадар ошириш керакки, озиқ-овқат, кийим-кечак ва яхшироқ уй-жой ташвишлари уларнинг хаёлини мутлақо банд этмасин; шу мақсадда уларни янада кучлироқ ижтимоий ҳимоя билан таъмин этиш ва бошқа талай моддий имтиёзлар яратиб бериш мумкин. Лекин масалага бу тахлит ёндошиш ярамайди. Бундай қарашларнинг хатолигини инсониятнинг минг йилликлар оша бизгача етиб келган улкан ҳаётий тажрибаси ҳам исботлайди.

Озгина фикрлаб кўрайлик-чи, кимлар мамлакатимизда энг бадавлат одамлар саналади? Ким (ишбилармонларни ҳисобга олмаганда) ўз фарзандларини, оила аъзоларини хориждаги нуфузли олий ўқув масканларига юбориш имкониятига эга? Бундай кишилар бармоқ билан санарли. Уларнинг қарийб ҳаммаси давлат ва банк амалдорларидан иборат. Ҳа, юртимиздаги ҳалол тадбиркорлар ёки қишлоқ меҳнаткашлари эмас, балки рухсат бериш ёки тақиқлаш, жиноий жавобгарликка тортиш ёки авф этиш ҳуқуқини қўлга киритган, яққол кўриниб турган ҳуқуқбузарликлар, жиноятларни сезмаётган, кўрмаётган юртимиздаги айрим амалдорлардир. Улар бунинг эвазига заргарлик буюмлари, корхона ва фирмалар акциялари, чет элда ишлаб чиқарилган автомобиллар ва пул шаклидаги "рағбатлантирувчи мукофотлар" оладилар.

Биз буни баъзи мансабдорларнинг ҳашаматли дала ҳовлилари, қасрмонанд уйлари ва бошқа маҳобатли хусусий қурилишларида кўришимиз мумкин. Уларда наинки виждон, ҳатто бир кунмас-бир кун фош этилишдан қўрқув туйғуси ҳам қолмаганга ўхшайди. Ўтган йили халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида нафси ўпқон айрим амалдорларнинг кирдикорлари очиб ташланди.

Мантиқан олиб қарасак, мансабдор шахсларнинг маоши унчалик катта эмас. Лекин баъзиларининг том маънода шоҳона ҳаёт кечириши на солиқ хизмати вакилларини (ҳолбуки, бу уларнинг бевосита мажбурияти), на ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизматчиларини ташвишга солади. Негаки, мазкур жиноий иллат уларни-да қисман ўз домига тортган. Бу - қўрқинчли ҳолдир. Президентимиз халққа, давлатимизнинг соф виждонли фуқароларига қаратилган мурожаатларида айнан шу ҳақда хавотирланиб сўзламоқдалар.

Ушбу яшовчи иллатга қарши самарали кураш олиб боришнинг иложи борми? Шак-шубҳасиз, иложи бор. Бу курашда - давлат ва миллатни соғломлаштириш ишида оммавий ахборот воситалари ҳам ниҳоятда фаол иштирок этишлари лозим. Лекин нега бизнинг синаллан жангчи-қаламкашларимиз ғайритабиий сукут сақламоқда? Нега республика газета ва журналлари зерикарли ва якранг тусга кирган? Нега бир вақтлар қудратли ва жанговар нашрлар ҳисобланган етакчи газеталаримизнинг адад (тираж)лари таҳликали тарзда кескин камайиб кетди? Газетхонларнинг бу нашрлар чиқишини сабрсизлик билан кутганликлари ва дўконма-дўкон излаб юрганликлари ҳеч хотирамдан ўчмайди. Нахотки жасур ва синчков журналистлар қолмаган бўлса? Йўқ, дадил қаламкашлар бор, аммо ҳозир кўпгина пойтахт матбуот нашрлари жойлашган катта бинода ботирлик ва касбий маҳорат деярли ҳеч нарсани ҳал қилолмайди.

Бу ҳолнинг ўзига яраша паст-баландликлари, эҳтимолки бировга айтиб бўлмайдиган сир-синоатлари бор. Алоҳида таъкидлаш керакки, бу "сир-синоатлар" журналистларнинг журъатсизлиги ёхуд муросасозлиги билан изоҳланмайди...

Ёдимда бор: собиқ шўролар даврида қаламкашлар бирор махфий муассаса остонасини ҳатлаш у ёқда турсин, унинг яқинроғига ҳам бора олишмасди. Бугун эса... Бугун, умуман олганда, ҳатто биз - адвокатлар ҳам республика фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ўз касбий ва конституциявий бурчларимизни бажаролмай қийналаяпмиз. Милиция, прокуратура бинолари рухсатномалар тўсиғи билан шундай пухта иҳоталанганки, терговчиларга қўнғироқ қилиб, улардан жиноий иш кўрилиши жараёнида ҳимоячи сифатида қатнашишга ордер қабул қилишни илтимос этиш учун рухсатнома бюроси олдида соатлаб, навбатда туриш керак.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Адвокатура фаолиятининг ижтимоий ҳимояланиши ва кафолатлари тўғрисида"ги янги қонун мавжуд аҳволни яхшилайди, деб умид қилгандик. Лойиҳанинг дастлабки муҳокамаси ана шундай умид учун асос туғдирарди. Аммо мазкур қонун иккинчи муҳокамада уни шунчалик "текислаб", "тўғрилаб", қисқартирилдики, дастлабки мазмундан асар ҳам қолмади. Янги таҳрирдаги қонун бир неча йил аввал амалда бўлган "Адвокатура тўғрисида"ги қонундан деярли фарқланмайди.

Бу ҳол адолат ҳимоячиларини жуда "руҳлантириб" юборди - яқинда шаҳар судига бир "янгилик" жорий қилинди. Эндиликда адвокатлар суд мажлисида ҳимоячи сифатида қатнашишга рухсатнома олиш учун бинога кираверишдаги телефон олдида навбатга туришлари лозим.

- Э, Худойим! - деб ҳайқиргинг келади. Холисанилло айтадиган бўлсак, бундай ҳолда адвокатлар не даркор? Ахир, давлат учун ёт унсурларни тугатадиган милиция бор. Ушланган ёт унсурларни тегишли моддалар билан қоралайдиган тергов ва прокуратура бор! Ниҳоят, ана шу икки идора талаб қилаётган ҳукмни чиқаришга тайёр турган суд бор!

Адвокатура-чи? Унинг кимга зарурати бор?! Бизнинг ота-оналаримиз, акаопаларимиз суд-жазолаш тизимининг "буюк" кашшофлари, ижодкорлари - Дзержинский, Ягода, Ежов, Берия ҳамда Вишинский замонасида яшаб ўтдилар. Не тонгким, ҳозир ҳам шундай тизимнинг қолдиқлари бот-бот кўзга ташланаётир...

Бугун айрим идоралардаги тўраларга ўта тиришқоқ, ғайратли "газетачилар" халақит беришади. Улар учун тиришқоқ "мухбирча"ларнинг "ўпкасини босиб қўйиш" муҳимдир. "Сени қара-я! - истеҳзо қилишади улар. - Сўз эркинлиги, демократияни ҳис этиб қопсан-да! Йўқ, азизим! Бизга нисбатан ҳурмат ҳамиша бўлган, бор ва бундан кейин ҳам бўлади!"

Тўғри, бундай пўписаларга кўл силтаб, билганидан қолмайдиган журналистлар ҳам бор. Бироқ жуда кам. Аҳён-аҳёнда айрим нашрларда, хусусан, "Ҳуррият"да шов-шувли мақолалар чиқиб қолади. Бундай мақолалар замирида нечоғли машаққатлар ётганини яхши биламан, бир-икки бор бунга гувоҳ бўлганман ҳам.

Ўринли бир савол туғилади, агар касаллик - иллат тўғрисида гапириш, буни оммага маълум қилиш, қоланверса, лаънатлашнинг асло иложи бўлмаса, уни даволаб бўладими?

Русчадан Гулчеҳра МАТКАРИМОВА таржимаси

Боши 1-бетда

ЎҚИЁТГАН ОДАМ

у ҳурматга сазовор эмасми?

Умумийлик - хусусийликлар йиғиндисидир. Яна бир нарса аниқки, магар маданиятнинг қай даражадалиги жамиятда аёлга нисбатан муносабат билан ўлчанса, китобга нисбатан муносабат маънавиятимиз мезони бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, юқоридаги бир қарашда арзимасдек бўлиб туюлган икки ҳолат кишини баъзи бир оғир мулоҳазаларга чорлайди.

Ҳа, минг дод-вой қилмайлик ёинки ўзимизни алдаш учун кўзимизни шартта юмиб олмайлик, барибир, воқеликни инкор этиб бўлмайди: китобга, мутолаага нисбатан иҳтимоий муносабат ўзгарди. Ва таассуфки, бу ўзгариш ижобий томонга кечмади. Бундай шароитда мисол учун, Францияда шеърий китоб 2 минг нусхада чиқади, бизда эса 5 минг қабилидаги илимлиқ юпатишлар ҳам асло кор қилмай қолади.

Бир пайтлар СССР, жумладан, Ўзбекистон ҳам энг кўп китоб ўқиладиган мамлакат саналарди. Ҳатто ўшандай шароитда ҳам куюнчак адибларимиз: "Нега Болтиқ бўйи болалари жон бошига биздагидан кўра кўпроқ китоб нашр этилади?" дея жиғибийрон бўлиб юришарди. Бугун худди шу устозларимизнинг овози қумга тушган сувдай изсиз йўқолиб кетганининг ўзиёқ баъзи нарсалардан шоҳидлик бериб тургандай.

Энди масаланинг бошқа томонига қарашга ҳам урениб кўрайлик. Социализм давридаги умумтенглик - "уравниловка", маошлару имкониятларнинг деярли баробар эканлиги, жамиятнинг Шахсга эмас, оломонга, "мурватча"га мойилроқ эканлиги, Инсоннинг эртага ҳам, индинга ҳам шундай бемалол, 150 сўм маошгаю 16 тийинлик нонга қаноат қилиб яшайверишга пайдо бўлган кўникма-ишончи беихтиёр унинг иш, ижод фаолиятини чегаралаб қўйди-ю, натижада ортиқча қувват, иқтидор аксар ҳолларда мутолаага сарфланди. Натижада, айтайлик, 80-йиллар "Фауст"дан узун-узун парчаларни ёддан биладиган математик аспирантлар ёки уйида улкан кутубхона йиққан зиёлиларни тез-тез учратиб турардик. Дейлик, камина ишлаган заводдаги инженерларнинг 80-90 фоизи макулатура топшириб, эвазига китоб сотиб олиш ҳуқуқини берадиган талонга эга бўлишарди. Бугун, кўриб турибмиз, ўша аспирант (энди номзод) "Фауст"дан кўра инглиз тилида ўз соҳаси бўйича чиққан китобни ўқишни маъқул кўраяпти, инженер эса уч жойда ишлаб, оиласини боқиш билан овора. Талабаларчи, дерсиз? Айтайлик, ижтимоий фанлар факультетлари талабалари учун билимнинг асосий мезони дунёқараш, савия, қобилият эмас, тест саволларига қойиллатиб жавоб беришни уддалаш бўлиб турган шароитда улардан китобхонликдек оғир юмушни талаб қилиб бўладими? Бунинг устига, халқ эътиборига етиб боришнинг энг ўнғай ва оммабоп усули бўлган телевидение ҳоҳ китобни инкор этиб, ҳоҳ эса уйқу дорисига менгзаб турса...

Турфа қоғозларга термулиб беҳиз,
Саккиз соат умрим ишда ўтади.
Жўмард Широқ бирлан ёвкур Тўмарис
Токчада сарғайиб мени кутади...

Намозшом жўралар етиб келади,
Мавзу: эстрада, фирма, қийматлар.
Қарта, май... Сездирмай сизиб киради
Фалончи номига ғализ ғийбатлар.

Оқшом тўлғонаман. Тўла қшкозон
Қиёмат тушлар-ла мени қийнайди.
Ўзни кўриқлолмай сувараклардан
Токчада Ойбарчин юм-юм йиғлайди...

Мен сендан кун ба кун узоқлашяпман,
Умр эса ўтиб бормоқда шитоб.
Мен сендан кун ба кун узоқлашяпман,
Муқаддас, табаррук, мўъжиза китоб...

Табиатда шундай қонун бор: олис йўлга чиққан киши яна айланиб сафарини бошлаган жойга келиб қолиши мумкин, агарда ўнг оёғида каттароқ қадам ташлашини ҳисобга олмаса. Худди шундай эътиборни кўпроқ иқтисодга қаратиб, маънавиятга, унинг асосий бўлган китобхонликни назардан қочириш ҳам охир-оқибат бизни сафар аввал бошланган манзилга олиб келиб қўйиши мумкин.

Албатта, китоб чиқариш - эзгу иш. Бироқ учар сомсапаз ёки уддабурон РайОНО (ТХТБ) мудири "Нашриёт китобнинг бадиий савияси учун жавобгар эмас" деган тамға остида машқларини ўз ҳисобидан ёки ҳомийлар ҳисобидан кўп нусхада чоп этиб, сўнг ушбу "нодир асари"ни таниш-билишлари орқали мактабларда, коллежларда, лицейларда, олий ўқув юртларида "олсанг ҳам бир танга, олмасанг ҳам!" қабилида мажбурлаб соттирар экан, бу билан китобхонлик аталмиш улкан дарахт илдизига болта ураётганликларини тасаввур қиларми-кинлар? Зеро, азалдан аён ҳақиқат: мажбурлаб берилган нарсанинг қадри бўлмайди, у кўпинча тескари натижа келтиради, холос. Бир ўқув йили мобайнида тўрт-беш, баъзан ҳатто ундан ҳам кўпроқ бадиий китобни мажбуран сотиб олган ёшларда мутолаага нисбатан, юмшоқроқ айтганда, совуққонлик пайдо бўлади. Энди бундай ёшлар ҳақиқий дурдона асарларга ҳам менсимасдан, "бизнеснинг бир воситаси экан-да" деган мулоҳаза билан қарай бошлайдилар... Энди бундай ёшлар, мисол учун Термизда Толстойнинг "Тирилиш" асарини 5 сўмга (!) ҳам сотиб олмайдилар ёки шу бугунги кунда пойтахтдаги "Шарқ" НМК китоб дўконида 4 сўмга (!) сотилаётган тўрт босма тобоқ ҳажмидаги яхшигина китобга ҳам эътибор бермай ўтиб кетаверадилар,..

Ҳолбуки, инглиз сиёсий арбоби Эдмунд Берк XVIII асрдаёқ топиб айтиб қўйган: "Ёшларнинг онгида қандай қайфият устунлигини айтсанг, мен сенга келинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман". Демак, бугуни ёш авлодки китобни инкор этиш қайфиятига мойилроқ экан, келажакдан ниманиям кутиш мумкин. Демак, бугуни кунда китобга, китобхонликка нисбатан иҳтимоий муносабатни кескин ўзгартириш керак. Бу, албатта, давлат миқёсида дастур талаб қиладиган иш эмасдир, бор-йўғи мутолаа маданиятини шакллантириш борасида ҳар биримиз ва ҳаммамиз имконимиз даражасида қилмоғимиз лозим бўлган саъй-ҳаракатлар жамланмасидир. "Америкача орзу" замирида моддий мустақиллик, оёқда мустаҳкам туриб олиш ётса, нима, бозор шароитида янги замон ўзбекларининг орзуси ҳам фақат ва фақат моддий фаровонлик учун узлуксиз кураш олиб боришдан иборат бўлмоғи лозимми?.. Ва бу ҳол умумий маънавиятсизликка олиб келмайдими? Ҳолбуки, Шарқда тараққиёт асосида ҳамиша маънавият ётган. Бас, шундай экан, эл назаридаги артистнинг, мисол учун, мутолаани чин дилдан севиши ҳақидаги телевизор орқали айтган эътирофи бирники ўнга, ўнники юзга қабилида ҳандасавий кўпайтма асосида урчиб борувчи таъсир кучига эга бўлар. Бу эса ўз навбатида иқтидорнинг, умуман имкониятнинг юзага чиқишида мутолаадек машаққатли, оғир, айни пайтда ҳузурбахш меҳнатнинг ўз ўрнини топиб олишига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатган бўлур эди. Аҳамияти англаган мутолаадагина эркинлик, ихтиёрийлик унсури бўлади; шундай мутолаагина кўнгил эҳтиёжига айланади.

Албатта, кўнгилга андаккина бўлса-да, илиқлик олиб кирувчи эпкинлар йўқ эмас: ҳар нечук, китоблар чоп этилиб турибди. "Шарқ юлдузи" ёки "Ёшлик" журналининг қайси янги сонини қараманг, албатта янги асарга дуч келасиз. Бу йил Зоминда бўлиб ўтган ёш ижодкорлар семинар-кенгашида 50 га яқин шоиру шоиралар қаторида турли вилоятлардан келган олтита адиба синглимиз иштирок этиб, ўзларининг бир роман (!), иккита қисса ва ўттизга яқин ҳикояларини муҳокамага қўйишди (қайд этиб ўтайлик, уларнинг ичида энг саралари "Ёшлик"нинг 6-сонида эълон қилинмоқда). Куни кеча эса хоразмлик бир қурувчи йигитимиз илк романини қўлтиғига қисганча редакциямизга кириб келди.

Аммо асар ўқиш учун ҳам яратилади-да. Бугун газета-журнал, китобларимиз тиражи бундан 10-15 йил илгаригига нисбатан 10-20, ҳатто 50 баробар камайиб кетди. Ўқувчилар сони ҳам шу атрофда озайди. Тезкор, шиддат билан кечаётган давримизнинг қурбонликларидан бири мутолаага муҳаббат бўлди. Бу муҳаббат қайтадан уйғонадими? Бунинг учун нималар қилиш керак? Қани эди бу саволнинг аниқ жавоби, тайёр рецепти бўлса...

Ҳозирча эса атрофга, ён-веримизга андаккина зеҳн солиб қарайлик. Қайси ҳамкасбимиз китоб ёинки бадиий журнал ўқияпти? Қайси таниш-билишимиз китоб ҳақида гапираяпти? Узундан-узоқ тўй-маъракалар, еб-ичишлар, сайру саёҳатлар учун фурсат топганимиз ҳолда, мутолаа учун озгинагина вақт ажратолаяпмизми?..

Сиз, ҳа, Сизнинг ўзингиз, ярим кечаси уйғониб кетиб, суюкли китобингизни қидириб қолганингизга қанча бўлди? Умуман, тушганмисиз шундай аҳволга? Ахир, мутолаа энг аввало изтиробли бахт эмасми... Ўзим-чи?..

Мен англаб тураман, қаноат лозим:
Қўналғам, рўзғорим... Минг шукр жоиз.
Бироқ юмуш тугаб, тураётган чоғим
Қитиқлайверади дилни ғалат ҳис.

Ҳов бир замонлардай,
Эшикни қулфлаб,
Эштимай жиғилдон хитобларини,
Жавондан бирма-бир олсам аввайлаб
Интизор кўз тутган китобларимни.

Таом танлармиди ютоққан банда,
Ўқийверсам дейман барин бирма-бир -
Унутиб не макон ва не замонда,
Мени ҳам унутса дунёи кўтир.

Ҳов бир замонлардай

Фурсат кўз ёриб,
Хонам хорижида тўхтаб қолса вақт.
Кўксимни минг битта бўлакка бўлиб,
Олса изтиробли қучоғига бахт...

Мутолаага нисбатан ижтимоий муносабат қачон ўзгаради? Фикри ожизимизча, айтайлик, раис бува довруғи етти иқлимга етадиган тўй қилгани билан эмас, қишлоқ мактабига фалон дона китоб совға қилгани билан фахрланиб юрса; ҳоким бобо қишлоқ марказига йил бўйи ҳувиллаб ётадиган мармар спорт кошонаси эмас, одмигина кутубхона қургани билан ғурурланса; тўй-маъракаларда дастурхоннинг тўри, ноз-неъматларнинг қаймоғи енгилтак отарчи рақҳосалар устидан пул сочадиган "Янги ўзбек"кагина эмас, зиёли кишига ҳам озгинагина насиб этиб турса, ҳоказо ва ҳоказо. Эҳтимол, шунда жамиятимизда менсимаган назарга, андак истеҳзоли муносабатга эмас, ҳақиқий эҳтиромга сазовор ЎҚИЁТГАН ОДАМ тимсоли шаклланар. Илло, бу дунёда мутолаага банд одамдан кўра улуғроқ, дардлироқ, куюнчакроқ, самимийроқ, инсонийроқ одамнинг ўзи бормикин?

Аммо бу ният қачон воқеликка айланади? Айланармикин? Уни бизнинг авлод кўролармикин...

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

Боши 1-бетда

"ЭНДИ ҚИШЛОҚДАН КЎЧИБ КЕТМОҚЧИМАН"

ШИКОЯТ

Қўлимга қалам олиб ёза бошлаяпману гоҳ кулгим келади, гоҳ йиғлагим. Чунки ҳозир ёзишим лозим бўлган жумлалар менга шу қадар ёд бўлиб кетдики, ҳатто ўзим ҳам шу дийдиёлардан безиллаб қолдим. Лекин начора, кишига қандайдир таскин ҳам керак-ку. Рости, бу сафар Тошкентдан нажот кутиб бу мактубни ёзаётганим йўқ. Чунки энди менда ҳеч қандай умид қолмаган. Ахир пойтахтдаги манаман деган "юқори" жойлар ҳам бу "улкан" муаммони ҳал қила олмадилар-у...

Яхшиси, келинг, шу эски хирғойимни сизларга ҳам бир айтиб берай. Мен Денов туманидаги Деҳқонобод фермер хўжалигига қарашли Бандихон маҳалласида ўн йилдан бери яшайман. (Айни кунларда эса... Начора, кўчиб кетишга мажбурман.) 7 нафар фарзандим бор. Эрим шу кунларда мардикорлик қилиб пул топиб юрибди. Начора, тирикчилик, у шунга мажбур. Бироқ, баъзида қаттиқ иштиробга тушаман, ахир у касал-ку.

Бир пайтлар бизлар ҳам бинойидек яшар эдик. Эрим маҳалланинг иши билан, мен эса болаларим билан ўзимизга тегишли еримизда меҳнат қилиб, ҳар йили рўзғор учун керакли маҳсулотларни етиштириб олар эдик. Аммо бир йилдан буён эримнинг адолат излаб сарсон-саргардон бўлиб юриши ва тирикчилигимиз манбаи еримиздан ажралиб қолганимиз оқибатида барча молҳолимизни йиғиб-териб юрган бойлигимизни сотиб еб бўлдик. Хўш, нима учун биз бундай аҳволга тушдик?

Ўтган йили хўжалигимиз аъзоларининг вилоят Прокуратурасига йўллаган шикоят-аризасидан сўнг хўжалик раҳбари Б.Норбўтаев ўз вазифасидан четлатилиб, ўрнига Жарқўрғон туманида яшовчи акаси, муқаддам бир неча марта судланган Э.Норбўтаев тайинланди. Бу вақтда эрим Нарманов Абдусаттор маҳалла фуқаролар кенгаши раиси эди. Хуллас, хўжалигимизга янги раҳбар келиши билан оиламиз бошига кулфат ёғила бошлади. Хўжаликда бўлган ёзув-чизувларга эримни айбдор деб билган Э.Норбўтаевнинг талаби билан 1998 йил 10 сентябрь куни уни ишдан озод этишди. Бироқ, янги раиснинг қаҳри қаттиқ экан шекилли, эрим ишдан бўшагандан кейин ҳам бизни тинч қўйишмади. Бандихон туманида яшовчи, муқаддам судланган Эргаш Бозоров деган кимсани хўжаликка юрист вазифасига тайинлаб эримнинг устидан "

МАҒРИБУ МАШРИҚ



ДУНЁ САЙЛОВ ТИЗИМЛАРИ

Мажоритар сайлов тизими сайловчилар овозининг энг кўп қисмини олишга қаратилган бўлиб, инглизча «мажорити» - кўпчилик, аксарият деган маънони англатади. Бу тизим таркибидаги плюрал овоз бериш тизими эса жами овозларнинг нисбатан кўпроғини олишни кўзда тутади. Пропорционал вакиллик тизими ҳар бир партияга сайловда ўз номзодлари олган жами овозга қараб, Парламентдаги мандатларни қўлга киритиш имконини беради. Яъни, умумий овозларнинг улушига эга бўлишга асосланган. Сайловларнинг мажоритар ҳамда пропорционал вакиллик тизими асосида бўлиб ўтиши аралаш сайлов тизими деб юритилади. Ярим-пропорционал сайлов тизимида эса бутун мамлакат ҳудуди бир нечта мандатли сайлов округларига бўлинади ва ҳар бир округдан 4 ёки 5 нафар вакил сайланади. Бунда партиялар ўз вакиллари ҳар бир сайлов округида ютишига эришиш учун имкон қадар кўпроқ номзод қўйишга ҳаракат қилади. Сайловчилар 1,2,3,4... номзоддан биттасини танлаб овоз беради. Натижада умумий овозлар миқдори ўша округдаги мандатлар сонига бўлинади. Умумий квота ҳосил бўлгач, минимум квотага тенг ёки ортиқ овоз олган номзодлар сайланган ҳисобланади. Агар ҳеч бир номзод талаб қилинган миқдорда овоз ололмаса, энг кам овоз олган номзод тушириб қолдирилиб, у олган овозлар қолганларга тенг тақсимланади. Бу жараён то мандатлар эгаллангунча давом этади. Бу сайлов тизими 1993 йилгача Япония Парламентини сайлашда қўлланиб келинган. Ҳозир ҳам Австралия сенати, Ирландия ва Мальтада қонун чиқарувчи ҳукуматни сайлашда амал қилади.

1993 йилда Японияда электорал ислоҳот амалга оширилди. Унга асосан Япония парламенти(Коккай)нинг Вакиллар палатаси (Сюшин)ни сайлашда (500 аъзо) пропорционал вакиллик ва бир мандатли сайлов округларини қамраб олган параллел сайлов тизими жорий этилди. Бунда Вакиллар палатасининг 300 аъзоси бир мандатли сайлов округларидан сайланса, қолган 200 аъзо пропорционал вакиллик асосида 7 тадан 33 тагача бўлган округ участкаларидан 11 та блок таркибида сайланади.

Японияда 1996 йилги сайловлардан кейин янги тизимнинг баъзи жиҳатлари, масалан, бир мандатли округда бой бериб, пропорционал вакилликда ютиш имкониятини бериши танқид қилинди. Шунингдек, бу тизим туфайли баъзи бир мандатли сайлов округида ғолиб чиққан номзод ва унда ютқизиб пропорционал вакилликда ютиб чиққан иккинчи вакил ҳамда яна пропорционал вакилликда иштирок этиб уч мандатни эгаллаб олиш ҳоллари кузатилди. Бу эса яна эски тизим каби баъзи партияларга кўпроқ имконият берди. Лекин Японияда янги сайлов тизими янги партияларни вужудга келтирди, коалицияга йўл очди, Либерал демократик партиянинг доминантлигига барҳам берди. Кўплаб округларда бир қанча номзодларнинг иштирокини таъминлади.

Умуман олганда, ҳозирда дунёнинг 20 мамлакатида Парламент сайловида параллеллик асосидаги мазкур тизимга мурожаат қилинади. Бундай давлатлар рўйхатида Японияда ташқари Камерун, Хорватия, Жанубий Корея ва Россия ҳам бор.

Маълумки, Россия ҳукумати икки палатали бўлиб, қуйи палата Дума тўрт йил муддатга сайланади. Думага депутатларни танлашда ҳам пропорционал ва плюрал сайлов тизимидан фойдаланилади. Бироқ Германиядаги каби партия рўйхати вакилларининг умумий овозларини бўлиб олишда, тенг шароит яратиш имконияти йўқ. 450 нафар депутатнинг тенг ярми пропорционал вакиллик тизими асосида ва қолган ярми бир мандатли сайлов округларидан сайланади. Пропорционал вакиллик тизимида ҳам фақат бир мандатли сайлов округидан депутатлар сайланади. Бунда сиёсий партиялар учун берилган овозлар бутун мамлакат бўйича умумлаштирилади. Шунингдек, 1995 йилда қабул қилинган қонунга кўра, партиялар ёпиқ рўйхатларда регионал тарзда ҳам мусобақалашади. Бунда партия рўйхатидаги 12 та мандат учун қўйилган номзодлар ўша региондаги плюрал тизим асосидаги бир мандатли сайлов округида ҳам иштирок этиши мумкин. Бу эса охирроқибатда пропорционал вакилликда ютган сиёсий партия учун яна бошқа бир мандатни эгаллаш имкониятини беради. Аслида бу тизим кичик партиялар учун қўшимча имкониятлар бериши керак, аммо Россияда бу ҳолат ҳозиргача кузатилган эмас. Масалан, 1995 йилги Парламент сайловларида фақат 4 та партия вакиллари пропорционал вакиллик рўйхатидаги мандатларни тақсимлаб олиш ҳуқуқини берадиган 5 фоизлик квотадан ўта олди, холос. Бу партиялар умумий овозларнинг 50.5 фоизини олиб, пропорционал тизимда тақсимланадиган мандатлардан иккитадан олишга эришди. Партия рўйхатига берилган овозлар натижасига кўра, Яблоко партияси Думадаги 33 та мандатни эгаллади. Шунингдек, бир мандатли сайлов округларида энг камида 20 фоиз овоз олиб ютган партиялар бўлгани ҳолда, мавжуд 43 партиядан бир нечтасининг мағлубиятга учраши дунё бўйича сайловлар тарихида жуда кам кузатилган. Хуллас, 1995 йилги Россия Парламенти сайловларида йўқотилган овозлар сони жуда юқори бўлди.

Қолаверса, Россиядаги партия рўйхатига ёпиқ усулда овоз бериш сайловчиларнинг ўз истагини кўриб-билмасдан Жириновскийга ўхшаган аламзада одамларни сиёсат майдонига олиб чиқиши, ва, оқибатда, нафақат сайловчиларнинг умиди пучга чиқиши, балки ижобий ниятларни кўзлаётган бирор партия ёки блокни ҳам барбод қилиши мумкин.

Бу борада Германияда катта мувафаққиятга эришилган десак, муболаға бўлмайди. Германия Парламенти Бундестаг аъзолари (656)нинг ярми оддий плюрал овоз бериш орқали бир мандатли сайлов округларидан сайланса, қолган аъзолар ҳар бир региондан (Лэнд) партия рўйхатига ёпиқ тарзда овоз бериш орқали сайланади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган ярим аср мобайнида Германияда бирор партиядан кўпчиликнинг Бундестагда бўлиши кузатилмаган. Аксинча, Германия коалицион ҳукумати барқарордир, чунки коалиция ҳамкорлик нишонаси ўлароқ вужудга келади. Кўплаб германияликлар ягона партияли ҳукуматдан кўра, коалицион ҳукуматни афзал билишади. Таъбир жоиз бўлса, Германия сиёсатида ҳукумат ва мухолифат ўртасидаги муносабатда зиддият ва ғанимлик кайфиятига нисбатан ҳамфикрлик ва ҳамкорлик туйғуси устивор. Бу эса майян сайлов тизимидан ҳам кўра, мамлакат тарихи ва у бунёд этган сиёсий маданият натижасидир, дейиш мумкин.

Мамлакатимизда ҳам халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин, теппа-тенг ва яширин ифода этиши учун энг мақбул бўлган мажоритар сайлов тизими танлаб олинди. **Сўнгги маълумотларга кўра, айни пайтда дунё бўйича 83 та мамлакатда мажоритар сайлов тизими амал қилади. Демак, Ўзбекистонда олий қонун чиқарувчи орган - Олий Мажлиса ҳудудий бир мандатли сайлов округларидан кўппартиявийлик асосида 250 нафар депутат сайланади.**

Бу жараён мажоритар сайлов тизимининг икки босқичда овоз бериш усули орқали амалга оширилади. Шунингдек, бу усул қўшимча овоз бериш ёки такрорий овоз бериш тизими ҳам деб юритилади. Бундай номланишнинг ўзиёқ мазкур тизимнинг асосий моҳиятини ифода этади: яъни, бу - сайлов бир марта бўлиб ўтмасдан, балки бир ёки икки ҳафта ичида икки босқичда бўлиб ўтишини англатади. Бунда биринчи босқич одатий плюрал усулда бўлиб ўтади ва мутлақ кўпчилик овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Демак, иккинчи босқичга ҳожат қолмайди. Агарда, бу босқичда бирорта номзод мутлақ кўпчилик овозни ололмаса, такрорий овоз бериш ўтказилиб, кейинги босқичда устун келган номзод Парламентга сайланади. Иккинчи босқичнинг бўлиб ўтиш жараёни амалий жиҳатдан давлатлараро фарқ қилади. Бу тизимнинг энг оммавий усули биринчи босқичда энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича тўғридан-тўғри овоз бериш орқали ўтказилади.

Бундай такрорий сайловда маълум округда рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг энг кўп овозини олган икки номзод иккинчи босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади ва, кўпинча, бу босқичда ким кўпроқ овоз олса, сайланган ҳисобланади. Чунки бунда икки номзоддан бири жами овозларнинг энг кўпини олиши шарт эмас.

Шу ўринда бу ҳолатни тўлақонли тушуниш учун «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасидаги қуйидаги бандни эслаб ўтсак кифоя: **«Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодгина ,исбатан кўпроқ олган Олий Мажлис депутатлигига номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади».**

Биз танлаган сайлов тизимининг афзаллиги шундаки, сайловчи ўз номзодини бевосита учрашувлар орқали кўриб-билиб, шундан сўнг унга ишонч билдириб овоз беради. Ҳар бир сайловчи ўзи овоз берган депутатнинг сайлов кампанияларидан кейинги фаолиятини ҳам бевосита кузатиш имкониятига эга. Соддароқ айтганда, сайловчиларимиз ўзларининг Олий Мажлисдаги вакилини шахсан танийди. Чунки бизда баъзи қўшни давлатлардаги каби қандайдир «валламат» вакилларнинг исми-шарифи битилган сайлов варақалари билан тўла Партия рўйхатига овоз бериш йўқ. Шу ўринда айни кунларда қизғин паллага кирган Парламентимизга бўлажак сайловларда ҳатто бир мандатга бештагача баъзан ундан ҳам ортиқ номзод қўйилганлигининг демократик жараёнларнинг яққол кўриниши эканлигини айтиб ўтмоқ жоиз.

Лекин бу сайловларда баъзи бир номзодларнинг азбаройи депутатлик орқасидаги имтиёзлар учун «жонини жабборга бериб» ҳаракат қилаётганини ҳам назардан қочириб бўлмайди. Афсуски, бундай номзодлар ҳеч бўлмаса мавжуд сайлов тизимимиз, сайлов қонунларимизни билганда эди, кейинги фаолиятини ўйлаб кўриб, ўзининг ўша пайтдаги ҳолатини кўз олдига келтирган бўлур эди. Қолаверса, халқимизнинг «жўжа кузда саналади» деган ҳикматга бой мақоли бежиз айтилмаган. Шубҳа йўқки, сайлов тизимимиз шу ва шу каби ҳикматлар, халқ донишмандлигининг асрий тажрибаси заминида қабул қилинган.

Сайловларимизда ташаббускор гуруҳларнинг иштирок этиши эса нафақат мажоритар сайлов тизими, балки дунё тажрибасида бутунлай янгилик дейиш мумкин. Бу ҳам бўлса, бизнинг айни сайлов тизимини тўғридан-тўғри қабул қилиб олмаганимиз, балки уни ўзимизга мослаб, миллий анъаналаримиздан келиб чиқиб танлаганимиздан далолат беради. Қолаверса, дунёда ҳеч бир мамлакат бирор бир сайлов тизимини асл ҳолича қабул қилиб олган эмас.

Алишер ШОЙИМОВ,
сиёсий шарҳловчи

Боши 1-бетда

ТЕҲРОН - ЕРЕВАН - АФИНА: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ҲАМКОРЛИК

Ереван шаҳрида Эрон, Арманистон ва Юнон давлатлари ташқи ишлар вазирларининг учинчи уч томонлама йиғилиши ўтказилди. Икки кунлик ушбу йиғилиш давомида туризм, энергетика, саноат, иновация, бошқарув, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, технология, минтақадаги қурилиш ишларини режалаштириш комитетлари ҳам ўз фаолиятларини ўрганиб чиқдилар.

Эрон Ташқи ишлар вазири доктор Харрозий мазкур йиғилиш доирасида Арманистоннинг раҳбарлари билан учрашиб, Теҳрон, Ереван ва Афина ўртасидаги уч томонлама ҳамкорликлар ва уч мамлакатнинг иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларини янада ривожлантириш хусусида музокара ўтказди.

Шунингдек, доктор Харрозий иштирокида Арманистон пойтахти Ереванда ЭИЖнинг маданият маркази очилди.

Йиғилиш охирида уч мамлакат ташқи ишлар вазирлари энергетика, транспорт, туризм ва табиий соҳалари бўйича иқтисодий, савдо-сотиқ меморандумини имзолашди.

Ушбу меморандумда уч мамлакат ташқи ишлар вазирлари минтақавий ва халқаро мавзулар, жумладан, Кавказ ва Афғонистон масалалари тўғрисида фикр алмашганлари ҳақида шундай дейилган: "Уч мамлакат мазкур минтақалардаги бўҳронли масалаларни ҳал қилиш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказишнинг муҳим эканлигини таъкидладилар".

Уч мамлакат ташқи ишлар вазирлари цивилизациялар ўртасида музокаралар ўтказилишини, халқларни бир-бирига яқинлаштириш ва минтақавий бўҳронларни ҳал қилишда энг яхши воситa эканлигини таъкидлаган ҳолда, Теҳрон, Ереван ва Афина ўртасидаги савдо-сотиқ ҳамкорликларини янада ривожлантириш йўлларини ўрганишни зарур деб кўрсатдилар.

Бу меморандумда уч мамлакат ташқи ишлар вазирлари умумий ҳамкорликлар тўғрисидаги тўртинчи йиғилишни 2000 йилнинг ноябр ойида Афинада ўтказишга келишиб олганликлари қайд этилган.

ЭИЖ Тошкентдаги элчихонаси материаллари асосида АНОРА тайёрлади

UNFPA

Ўзбекистон билан 2004 йилгача

ФАОЛИЯТ

UNFPA (Аҳолишунослик фонди) мамлакатимизда 1993 йилда БМТ ривожланиш дастури доирасида ўз фаолиятини бошлаган эди. 1997 йилга келиб мазкур ташкилотнинг Тошкентда ваколатхонаси очилди. Ваколатхона Марказий Осиё давлатлари, Қозоғистон ва Озарбойжонда ўзининг аҳолишунослик билан боғлиқ масалаларини мувофиқлаштириб туради.

Ўтган йиллар давомида Фонд юртимизда репродуктив саломатлик борасида етарлича тадбирларни амалга оширди. Фондининг 1994-1999 йилларда Ўзбекистон билан боғлиқ умумий дастури 5 301.000 АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Куни кеча биринчи марта UNFPAнинг юртимиздаги ваколатхонасида мазкур Фонд ва Ўзбекистон ҳукумати (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги) ўртасида 2000-2004 йилларга мўлжалланган дастур шартномасининг имзоланиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур дастурни амалга ошириш мақсадида UNFPA 2000-2004 йилларда 6 миллион АҚШ доллари миқдорида ва донор мамлакатлари 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади.

Дастурда асосан репродуктив саломатлик, аҳолишунослик стратегияси ва ташвиқот масалаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Анжуманда Соғлиқни сақлаш, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирликларининг масъул ходимлари, UNFPAнинг юртимиздаги ваколатхонаси ходимлари ва UNFPAнинг Осиё - Тинч океани бўлими директори Илильда Хенкин хоним қатнашдилар.

Н.НАМОЗОВА

топишмоққа жавоб

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида эълон қилинган топишмоққа азиз мухлисларимиздан кўплаб жавоблар олдик. Улар орасида тўғриси ҳам, нотўғриси ҳам бор эди.

Тўғри жавоб қуйидагича: вазир хўрознинг бошини тишлаб узиб олган.

БУГУНГИ ТАЛАБА, ЭРТАНГИ ДЕПУТАТ

ТАДБИР

17 ноябрь куни пойтахтимизнинг С.Раҳимов туманидаги "Истиқлол" ўйингоҳида "Талабаларнинг халқаро бирдамлик ва ҳамжиҳатлик куни" муносабати билан катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Уни Тошкент давлат университети ректори, академик Т.Долимов кириш сўзи билан очиб, талабаларни ушбу байрам билан муборакбод этди. Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши котиби А.Акромов сайловолди жараёнларида ёшларнинг ўрни мавзусида маруза қилди.

— Бугунги номзод эртага халқнинг парламентдаги вакилига айланади. У Ўзбекистон қонунларини муҳокама этади. Шунинг учун, бу жараёнларга ёшлар бефарқ қарамасликлари лозим - деб таъкидлади у.

Тадбир сўнггида сахналаштирилган катта байрам дастури намойиш этилди.

Садоқат ҲАКИМОВА,
ТошДУ журналистика факультети талабаси

ЖАРАЁН

Бу савол ҳаммани ташвишлантиради. Унга жавоб топиш мушкул. Зеро, тинчликка хавф туғдираётган уруш ҳамон мавжуддир. Курамизнинг Евроосиё материги бунинг гувоҳи. Уруш ҳаммани бирдек ўйлантиради: бу мавзудан сўз очмасликнинг иложи йўқ. Уруш. Ғамандуҳ. Бу уч сўз бугун шундай боғлиқки, уларни ажратиш анча мушкул.

Аҳолисининг асосий қисмини чеченлар, ингушлар ҳамда руслар ташкил этадиган Чеченистон автоном республикасида вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Соддароқ қилиб айтсак, икки томон ҳалигача муросага келгани йўқ. Нега, дейсизми? Четдан қараганда, икки томон икки хил тилда гаплашаётгандек туюлади. Ҳарчанд уринилмасин, улар бир-бирларини тушунишмайди.

УРУШ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

"Франс -пресс" ахборот агентлигининг ноябрь ойи маълумотларида кўрсатилишича, чечен-рус уруши 2000 йилга кириб бориши эҳтимолдан холи эмас. Бу эҳтимол мавжудлигининг ўзи даҳшат. Чеченистонда уруш давом этар экан, Каспий ортида тинчлик ўрнатилишига шубҳа бор. Уруш ўз номи билан уруш. Унда кўз ёш, қон тўкилади. Рус генерали Маниловнинг берган маълумотига қараганда, Россиянинг шу йил 5 сентябрдаги ҳаво ҳужумидан кейин 162 нафар рус аскари ва 3.500 чечен ҳарбийлари нобуд бўлган. Чечен зобитларига қулоқ тутсак, 3.200 нафар тинч аҳоли вакиллари вафот этганлигини билиб оламиз. Чеченистонда жами 6.700 киши қурбон бўлган экан. Даҳшат! Тўғри, 6700 иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган 40 миллион олдида ҳеч гап эмас, лекин бу рақам минглаб инсонларни бахтиқаро қилгани-чи?

Инсониятнинг сўнгги 5000 йилги ҳаётида 14.000 уруш бўлган. Унда қарийб 5000 миллион одам вафот этган. Бу рақамлар сизда қандай ҳис-туйғулар уйғотади? Ижобий жавобни кутиш мумкин эмас. Чеченистон ҳудудида 14 туман, 5 шаҳар ва 4 шаҳарча бор. Урушдан олдин уларда одамлар мамнун яшашган. Энди-чи? Аҳолининг бир қисми қочоқларга айланган. Одамлар ҳадиксираб яшашдан чарчаган. Бугун уларга ортиқча нарсанинг кераги йўқ, фақат мусаффо осмон бўлса, бас. Халқ бошпана излаб, дуч келган тарафга йўл олмоқда. Жангчиларнинг асосий қисмини эркаклар ташкил этади. Азобни фақат улар эмас, балки оддий фуқаро ҳам тортмоқда. Ҳозирги даврда, агар экспертлар фикрига ишонадиган бўлсак, урушда қурбон бўлаётганлар нисбати, оддий урушларда - 1 жангчига 10 та фуқаро, ядро урушларида - 1 жангчига 100 фуқаро тўғри келар экан. Чеченистонда бу нисбат деярли тенг: 3500:3200 (!). Чеченистон пойтахти - Грозний кейинги йилларда даҳшатли портлашлар маконига айланган. Уларга қачон чек қўйилади? Буни биз билмаймиз. Мисол келтираман: октябрь ойининг 3-ҳафтасида Грознийда махфий қурол-яроғ бозори аниқланган ва Россия ҳарбий кучлари томонидан портлатилган эди. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли вакиллари қурбон бўлган ва жиддий жароҳатланган. РФ бош вазири В.Путин баёнотида юқорида келтирилган портлашлар умуман инкор этилади. Ваҳоланки, РЖТнинг "Время" дастури эса ушбу портлашлар ҳаққонийлигини исботловчи видеотасмани ҳам, Путиннинг журналистларга берган баёнотини ҳам намойиш қилди. Буни қандай тушуниш даркор? Ўз-ўзига қарши чиқишмикан бу, ё кўриб туриб кўрмасликка олишми?

Географик харитада Чеченистон ҳудудининг шимоли текисликлардан, жануби Катта Кавказ тоғлари ва тоғ этакларидан иборатлиги тасвирланган. Ҳудудий жойлашувини яхши ўзлаштирган рус мудофаа кучлари Чеченистоннинг 2-йирик шаҳри - Гудерсмесни ҳам назорат остига олишган. Президент А.Масхадовнинг таъкидлашича, у ерда 20.000 норози чечен бор.

Уруш пайтида жуда кўп эшитиладиган "Уруш қонунларини бузганлар бу қонунлар ҳимоясидан маҳрум бўлишлари керак", деган фикрни сиз қандай баҳолайсиз? Балки, ана шу фикрга амал қилиб, бугун минглаб ўспиринлар кўксида алам билан акаси, отаси, яқинларининг хунини олиш мақсадида қўлга қурол олаётгандирлар...

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Россия Чеченистонни 1859 йилда ишғол этганига амин бўламиз. 1944 йилда Чеченистон - Ингушетия АССР тугатилган ва 1957 йилда қайта тикланган. 140 йил давомида, то бугунгача у Россияга қарашли. Назаримда, рус ҳукумати кўп ва хўб ўйлади. Натижада "Россия терроризмга чек қўйишга аҳд қилди". 1 октябрда рус ҳарбий кучлари Чеченистонни тарк этди. Бу Чеченистон ички тузилишини буткул издан чиқарган 21 ойлик урушга чек қўйган қадам бўлса ажаб эмас. Ҳар бир миллат сингари, чеченлар ҳам мустақил бўлишни хоҳлайдилар ва афсуски, бунга эриша олмаяптилар, чунки Чеченистон суверенитети ҳозиргача ҳеч қандай давлат томонидан тан олинмаган ва тан олинмаса керак. Сабаби, у ерда нотинчлик. Нотинчлик бор жойда эса ривожланиш бўлмайди.

"Яхши ният - ярим мол", дейдилар-ку-я, лекин ният қилиш билан иш битармиди? Юртда фаровонлик, элда хотиржамлик йўқ... Гап бориб, яна ўша саволга тақалади: "Уруш қачонгача давом этади?"

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети I босқич талабаси

ЎЗ ВИЖДОНИНГДАН БОШҚАСИГА ИШОНМА!

ТАФАККУР

Тарих: миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулининг сабабларини ўргататурғон илмдир.

* * *

Бизда "Афкори умумия" йўқдур. Бу ясама жумла ишдан қўрққан бир тўда эл ходимларининг оқсоқ, ялқов мантиқларидан бошқа нарса эмасдир. Унларга янги бир йўл, янги бир иш кўрсатсанг, мантиқий бир суратда сўзингни қайтара олмай, ҳалиги ясама жумлани лоп этиб олдингга қўюб кўзларини кўзларингга тикиб ўтурарлар. Сўнг кунларда эса, бу жумлани жуда ўз йўлинда чиқардилар. Бутун ялқовлар буни ўзларига қурол қилиб олдилар. Ҳар қандай бир ишни истамасалар, "афкори умумия"га тўғри келмайдир, деб ўзларини қутқарадилар... Бу қора жумланинг бизга берган зиёни истебдод ҳукуматининг берган зиёнларидан ортиқроқдир.

* * *

Элимизда афкори умумия йўқ. Бошлиқларга эргашмоқ хусусияти бор. Бошлиқлари нима десалар, эл шунга ишонадур. Сизни элга ёмон кўрсатган ҳам унинг бошлиқлари - муллолар, беклар, ҳокимлар эдилар. Қачонки шулар эзилиб, иш бошидан йўқолдилар, шу кундан бошлаб биз эл кўзига яхши кўриндик. Жаннат, жаҳаннам каби диний фикрларини ҳам элимиз ўз фикри қилиб сингдириб олган эмас, бошлиқларнинг сўзларига эргашибгина қабул этган.

* * *

Инсонни ўз кучидан хабарсиз сақлаган, уни табиий тараққиётларидан тута қолган сабабларнинг биттаси тақлиддир... Бедил тақлиднинг ёвидир. Ўз виждонидан бошқасига ишонмайдир. У "тушуниш бозорини ахтармиш, тоши виждондан оғир келатурғон бир тарози топа олмамишдир".

* * *

Менинг энг сўнг фикрим шу: ИНСОН ЎЗИНИ БЎЛГАНИ КАБИ КЎРСАТСИН, Ё КЎРСАТГАНИ КАБИ БЎЛСУН!

Абдурауф ФИТРАТ

ОЛ-А!

ИШАК ЙЎЛИ?..

...кистон саройида Бадиий академидаги Республика тасвирий санъ...ернати ташкил этилганлигининг ...йига бағишланган тантана бўлди. ...кўргазмалар залида лицей устоз...нинг ижодий ишларидан намун...ан эди. Тўғрисини айтиш керак, ...а қилиб роса мирикдик. Бир сутимни тортди. Сурат эмас, тўғри...тнинг остидаги ёзуви. Ранг-тас...лланган бу асарнинг тагида қуйтирув ёзуви турарди:

"А.ТУРҒУНОВ ...БУЮК ИШАК ЙЎЛИ"...

...дим. Нахотки, ишак йўли бўлса? "саводли" одам ёзди экан? Ён...арга қараб: "Шундай йўл ҳам ...сўрасам, "Бўлса керак-да, ёзиб ...у" деган жавобни олдим. Яна ...зишган бўлса керак, ишак эмас, ...р-ку", деди. Хуллас, шунақа гап...а "Ипак йўли", билмаганга эса ...бўлиб қолаверади. Билмаганлар ...ланган қатор-қатор туялар кар... ишаклар (тўғрироғи, эшаклар) ...бор бериб ҳам ўтирмайди.

Х.ҲИММАТ қизи

Дакки емай десанг, ишлама!

ЙЎҒ-Э!

...қозонган "Ҳуррият"дай газета масаланинг айни шу жиҳатига етарли эътибор бермай, сайловчиларни чалғитишдан ўзга нарсага хизмат қилмайдиган раддиябоп мақола чоп этганидан мантиқ тополмайсан. Тўғри, газета фикр айтиш минбари, аммо бу минбар аввало, сайловчи манфаатига хизмат қилмоғи лозим.

...ка миссияси сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан уни сайловчилар рўйхатининг иловасида қайд этади. Шундан кейин сайловчи бюллетени бериш юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Сайловчи у ёки бу номзодга нисбатан ўз муносабатини билдиришни, яъни сайлов бюллетенини тўлдиришни махсус кабина ёки хонада амалга оширади. Бу вақтда кабина ёки хонада сайловчидан бошқа бирор бир киши ёки кишиларнинг ҳозир бўлиши қатъиян таъқиқланади.

сайлов қутисига ташлайди.

Башарти, овоз берувчи у ёки бу сабабга кўра сайлов бюллетенини бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси унга янги бюллетен беради. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари эса, сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олиниб, бекор қилинади ва алоҳида сақланади.

Айрим сайловчилар бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаслиги мумкин. Участка сайлов комиссияси бундай шахсларнинг илтимосини қондириб, овоз беришни улар турган жойда...

ЛАТИФА

СОЦИАЛИ...

Никита Хрушчевнинг даволовчи в...

Никита Сергеевич КПСС Марказкоми котиблигидан кетгач, касалхонага тушди. Бир куни у ётган палатага кирсам, касал "Правда"ни ўқиб ўтирган экан. Мен узр сўраб, изимга қайта бошладим. Хрушчев газетани қўйди.

- Халал бердим-а, - дедим хижолат чекиб. - "Правда"ни ўқиётган экансиз.

- Ўқийдиган ҳеч вақоси йўқ, - деб кулди Хрушчев. - Шахсан мен ўқимайман, кўз югуртираман, холос. Бошдан-оёқ социализм ҳақида ёзади. Ҳаммаси - сув.

Мен бу гапларни эшитганликка олиб тургандим, Никита Сергеевич гап бошлаб қолди:

- Социализм ва сув ҳақида латифани айтиб берайми? Эшитинг. Шаҳардан колхозга келган лектор социализм ҳақида маъруза ўқибди. Ҳаммани қувиб клубга киритишибди. Лектор бир соат маъруза ўқигунича столга қўйилган бир графин сувни ичибди, иккинчи соат маърузаси давомида иккинчи графиндаги сувни ичибди, учинчи соат давом этибди - яна бир графин сувни қуритибди. Ниҳо...

...ки нуқтаи назар ...

Хруш...

қўл силт...

- Бошқа ни...дим? Гап-да, ҳаммаси...

Хрушчев шундай деб менга синовчан қузатиб турди-да, биринчи бўлиб ўзи мириқиб кулишга тушди.

- Социализм нима эканини энди тушундингизми? -

АЖАБО!

Африка қабилаларидан бирида чақалоқ дунёга келиши билан югуриб кетганмиш

Ўзликни англай сен! ҲУРРИЯТ — мустақил газета
24 - 30 ноябрь 47 - (149)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир ўринбосари Норали ОЧИЛОВ

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД (бош муҳаррир), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амиркул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон УЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Бош муҳаррир: ...юборди. Газ... ...шқарига чиқмадинг... савол берибди.

Топшириш вақти 21.00
Топширилди — 18...
Буюртма — 1 08...

Мустақил газета ҲУРРИЯТ 1998 йил декабрдан чиқа бошлаган

"ЁДИНГ БИЛАН ЯШАЙМАН"

Ўзбекистон радиоси диктори Дилсора БОБОХОНОВА билан суҳбат

Ўзбекистонлик радиотингловчилар деярли ҳаммаси Дилсора Бобохоновани яхши танийди, десак муболаға бўлмайди. Деярли ҳар куни радио тўлқинларидан мана шу дикторимизнинг ўктам, кўтаринки руҳдаги овози таралиб туради. Биз халқимизнинг ана шу севимли диктори билан "Ҳуррият" учун махсус суҳбат тайёрладик.

ҲАМКАСАБА

— Дилсора опа, одамнинг кайфияти ҳамма вақт ҳам бирдек бўлавермайди. Дикторларнинг, жумладан, сизнинг кайфиятингиз яхшилиги доимо овозингиздан сезилиб туради. Аслида ҳам шундайми?

— Бизнинг касбимизни чуқур тушуна олган одамгина мана шундай савол беради. Бизнинг касбда ишлаганда қандай кайфиятда бўлишимиздан қатъи назар, эшиттиришларимизда буни сездирмаслигимиз керак. Дикторликнинг энг новик ва оғир жиҳатларидан бири ҳам шу. Мисол учун, тушкун кайфиятда бўлсаг-у, қувноқ руҳдаги матнни ўқишимизга тўғри келса, дарҳол қувноқ кайфиятга кириб, ўша матнни вақтида тингловчига етказишимиз шарт. Ёки аксинча, нимадандир кўнглимиз тоғдек кўтарилиб турган бўлса-да, оғир-вазмин, қайғули матнни ўқишга тўғри келиб қолади. Демак, босиқ, тушкун руҳга кира олишимиз керак. Бизнинг вазифамиз шунақа, кайфият, аҳвол-руҳиятимиз қандай бўлишидан қатъий назар, тингловчига мўлжалланган нарсани ўз аслидай етказишга интиламиз.

— Ундай бўлса, Сиз доимо бунинг уддасидан чиқа олган экансиз-да. Чунки, эшиттиришларингиз руҳига овозингиз ҳамиша мос келган. Демак, кайфиятингизни ҳамиша бошқара олгансиз. Айтинг-чи, ҳаётда ҳам шундаймисиз?

— Мен радиода олиб борган эшиттиришларим, ўқиган ҳикояларим, ижро этаётган ролларимнинг руҳиятига мослашишга ҳаракат қиламан. Бу овозни матнга мослаштиради. Буни ўзим учун эфирда зарур бўладиган мустаҳкам қоида қилиб олганман. Ҳаётга келадиган бўлсак, турмушда турли хил воқеалар, шулар орасида кўнгилсизлари ҳам бўлиб туради. Буларнинг ҳаммасига даво — вақт ва мустаҳкам ирода. Яширмайман, энг оғир тушкунликлар менда ҳам анчагина бўлган. Айниқса, болаликдаги дўстим, болаларимнинг отаси, иқтидорли режиссёр — Рустам Бобохоновнинг бевақт вафоти мени жуда тушкунликка тушириб юборган. Лекин инсон, айниқса, аёлона ҳамма нарсага кўнар экан. Шундай пайтларда фақатгина ақл билан иродани қўлга ола билиш, олдинга интилишгина одамни қутқаради. Ахир, бағрингизда ўсиб келаётган фарзандларингиз ҳамиша кўз олдингизда туради-ку!

— Худо қувват берсин, Дилсора опа. Шу ўринда яна бир савол: дикторликни актёрлик, дейишади. Аммо бугунги кунда дикторлик — журналистлик деган фикрлар ҳам учраяпти. Профессионал диктор сифатида шу мулоҳазаларнинг моҳиятини сиз қандай талқин қиласиз?

—"Диктор-журналист" деган мулоҳазани яхши эслатдингиз. Мен қалами ўткир, фикри теран журналистларни жуда қадрлайман. Агар ўша журналистларда созланган овоз ва нуқсонсиз, маданиятли нутқ бўлса, нур устига нур. Демак, уларда айтмоқчи бўлган гапларини радиода ҳам, телевидениеда ҳам мухлисларига етказиш имконияти бор. Аммо афсуски, яхши, пухта тайёрланган эшиттиришларини нуқсонли нутқ, эфирга тушмайдиган, баъзан ҳаттоки дағал овоз билан эфирда ўқишга тиришиб, оқибатда материалининг ҳам сифатини бузиб, тингловчининг ҳам кўнглини хира қилиб юрган журналистлар кейинги пайтда кўпайиб кетаяпти. Ваҳоланки, кўп йиллар давомида тажриба орттирган, ранг-баранг матнларни ўқиб, нутқи чархланган дикторларга берилса, ўша материаллар қиёмига етказиб ўқилади, тингловчига етказиб берилади. Ахир айтишади-ку, чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин, деб.

Энди, "дикторлик - санъат" дейилган фикрга келадиган бўлсак, бу фикр тўғри талқин этилган. Дикторлик ҳақиқатан ҳам санъат. Иш давомида сиёсий, иқтисодий, бадиий, мусиқий матнларни ўқиймиз. Бир жиддий, бир енгил, бир тушкун, бир қувноқ образларни яратамиз. Буларнинг ҳаммаси санъатда. Айниқса, радиода бу қобилият жуда зарур. Баъзи пайтларда зудлик билан кичиккина ролни ижро этишга ва эфирга узатишга тўғри келади. Кимлигидан қатъий назар, дикторлардан бирови бўлса, дарров келиб ўша ролни ижро этиб бера олиши керак, менимча. Шунда актёр ҳам қидириб юрилмайди, муҳими эса, вақтдан ютилади. Ишнинг сифати баланд бўлади.

— Агар ҳақиқатдан ҳам дикторлик санъат ҳисобланадиган бўлса, у ҳолда сизга устозларингиз Қодир Махсумов каби дикторлардек "Халқ артисти", "Хизмат кўрсатган артист" деган унвонларни берса, арзир экан, Дилсора опа. Дарвоқе, яқинда сизга "Шуҳрат" медали берилди. Фурсатдан фойдаланиб, сизни табриклаб қўймоқчимиз.

— Табрик учун раҳмат. 1998 йил менинг ҳаётимда қувончли йил бўлди. Айниқса, болаларим кўзидаги севинчни асло унутолмайман. Мана шу нарса менга қанчалик бардамлик берганини эса сизга ифода этиб ҳам беролмайман. Биз аёллар доимо озгина бўлса ҳам меҳрга, эътиборга муҳтожмиз. Бу шиддатли, бешафқат ҳаётда қанчалик бардошли, иродали бўлмайлик, баъзан аёллигимизга, ожизлигимизга борамиз. Кўнгил баъзан иликлик, осойишталик, ором, эътиборни тилаб қолади. Ана шу пайтларда фарзандларимнинг меҳри, азиз мухлисларимнинг ишончи, ҳурматэҳтироми, телефон қўнғироқларига суяниб яшайман. Унвон масаласига келсак, муҳтарам Президентимиз фармони билан медаль олдим, буёғига ишлайверсак, ризкимизга ярашасига қаноат қилиб, умр кечирамиз-да.

— Дилсора опа, суҳбатимиз сўнггида яна бир савол. Мана, дикторлик фаолиятингизга ҳам салкам 35 йил бўлибди. Касбингиз билан боғлиқ унутилмас воқеалар кўп бўлгандир? Ана шулардан бир-иккитасини эсга олсангиз.

— Эрталаб саҳарда тўғридан-тўғри эфирга келардик. Шунда битта номерни эълон қилиб қўйиб, кейингиси эълон қилингунча анча кутиб қолардик. Саҳарги уйқу ширинмасми, дарров элитиб қоларди. Шунинг учун режиссёрга вақт бўлишидан сал олдин ишора учун сигнал тугмасини бир босиб қўйинг, деб тайинлаб қўярдим-да, бир пас бўлса ҳам мизғишга тушардим. Тўғма босилганда "ғув" деган овоз келарди. Бир сафар автобусда кетаётиб, кўзим уйқуга кетиб қолибди. Кейинги бекатга келганда, эшик очилишидан олдин режиссёрлик пультидагига ўхшаган сигнал овози эшитилди. Мен қаерда кетаётганим ёдимда йўқ, шартта: "Кейингисини эълон қилайми?" деб бор овозим билан бақириб юборибман. Кутаяпман, лекин жавоб йўқ. Бундоқ атрофимга қарасам, автобусда кетаяпман, ёнимдагилар бўлса, менга лол қараб туришибди. Кейин ўзим шунақа кулганманки, асти қўяверасиз. Кўрганлар нима деб ўйлашса, ўйлашгандир ўзиям.

Бундай воқеалар кўп бўлган. Лекин умуман унутиб бўлмайдигани, кичик қизим Гулюзнинг иши бўлган. Энди атак-чечак пайтларида ёнимизда турадиган амакисинига чиқиб: "Тоскендан дапиямиз" дебди-да! Ҳалигача, ҳазиллашиб эслашамиз.

Барно ИСОҚОВА
суҳбатлашди

НЕГА БЕЗОВТАСАН, ЮРАГИМ?

КАЙФИЯТ

Чарчадингми, юраккинам? Безовтасан... Нега? Менинг узундан узун ҳаёт йўлимда толиқиб қолдингми? "Қуш тинади, эл тинади - сиз тинмайсиз", - дейди улус. Шундоқ яратилган бўлсам, ҳаёт тарзим шу бўлса, мен қандоқ қилай?

Аввал тинсам ҳам энди тинолмайман, йўлдошим. Нечунким аввалгидан ҳам уйғоқ, тийрак бўлмоғим, қўлимдаги катта бахтни олдириб қўймаслик учун зийрак бўлмоғим жоиз. Энди сенинг юкинг ортадиган кўринади, жафокашим. Зеро, мен ниманики бошдан кечирмайин, ниманики кўзим билан кўрмайин - ҳамма-ҳаммасини сен орқали идрок этаман - барча ишимда сен бош қош.

Ўзингдан қолар гап йўқ. Қандай катта бахт қуши қўнди менинг бошимга, эл-юрт бошига - Ҳумо қуши-я... Ҳатто тушда кўриш ҳам насиб этмаган бахт-а... Уни ҳуркитиб юбормасак эди, олдириб қўймасак эди, деган ҳадикдаман. Уни ёмон кўзлардан асрашимиз керак, дея жоним ҳалак. Ана шунинг учун ҳам зўр сенга тушаяпти, жабрдийдам, юраккинам... Сени азобга солиб қўйдимми? Мен берган азобга дош беролмаётган кўринасан: Дук-дук уриб кетасан. Бирдан авжга чиқа бошлайсан. "Дук-дук-дук, дук-дук-дук..." - дея нолиш қиласан.

Нега бунча жонинг ҳалак, юрагим? Мен сенга ортган юк оғирлик қилдими? Оғриқ кирдими-я, жисми-жонимга? "Ҳали-ҳозир пақ этаману, ёрилиб кетаман" - деб огоҳ этаяпсанми мени?! Оҳ, қани энди шундоқ қилолсам-а... Лекин бундай қилолмасам нетай? Ҳаққим йўқ. Садақанг кетайин, юраккинам, мени кечир! Ундай қилолмайман - ҳаққим йўқ...

Ҳозирги дориломон замонни интиқлик билан, зоринтизор кутган, бунга эришмоқ йўлида курашиб кафансиз, шаҳид кетган истиқлолчилар дарди-ҳасрати мени уйғоқ бўлишга чорлайди. Улар ҳадсиз-ҳисобсиз эди. Улардан айримлари - менинг отаи бузрукворим, ёзувчи Саид Аҳрорий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов, Тангриқулҳожи Мақсудов, Нажмиддин Шерахмедовлар ёди тунлари кўзимга уйқу бермайди. Кундузлари тинимсиз ҳаракатга ундайди. У бахти қаролларнинг кураши ҳам бир эди, ғўрларини ҳам бир қилишган - узоқдан-узоқ юртда - Москвада отишгану, мустабид тузум уларнинг бешовини бир ғўрга тиққан.

Сени азобга солган бўлсам мени кечир, юраккинам. Ўзинг тушунасан, менинг жисми-жоним қанчалар азобда қолганини ҳам, олдимда нене вазифалар турганини ҳам... Мустақиллигимиз тамал тошини қўйиб шаҳид кетган не-не зотлар ёдини абадийлаштириш йўлида уларнинг фарзандлари, неварачевараларини қалбида чўкиб ётган оғир тошни юлқиб олиб, барчаларини улар шаънига мустабид тузум тақаган тавқи лаънатдан халос қилиб туролмайман-ку. Сени аясаму, ўзимни четга олсамми - ҳеч қачон кечиролмайман ўзимни... Ҳа, шундай. Яна ўзинг биласанки, мен ҳақ-ҳуқуқини, бурчини, зиммасидаги вазифанинг нималигини яхши англайдиган бир фуқароман. Сени тинч қўёлмаслигим боиси шунда. Истиқлолимиз шарофати ила кўз ўнгимда очилган янги олам, янги имкониятлар-янги уфқлар менинг зиммамга қанчадан-қанча вазифаларни қалаб ташлаганини билсанг эди... Ўз зиммамга ўзим юклаб олган бу адоқсиз вазифаларни адо этиб улгурмоққа ошиқишим керак. Ошиқишим... Йўқ эса улгурмай қолишдан қўрқаман. Яна панд бериб қўймагин-а, дардлигинам. Давр олдимга сурган вазифаларни ўтаб улгуришим учун бироз сабр қил - менга далда бўлгин, юраккинам. Мен улгурмоқни кўзлаган маррага етмоқ учун куч бор. Сенинг далданг ва мададинг билан, бекафан ва бежаноза кетган қондошларим руҳини шод этмоққа улгуришим керак.

Худо хоҳласа, ана шундан сўнг мен ҳордиққа чиқаман, сен ҳам дам оласан-тинасан, юрагим...

Аммо-лекин, унгача, тиниб-тинчиган номард... Шуни яхши билиб қўйгин-а... Шунга қараб иш тут, юрагим!

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ЭГАТ ТАЛАШМАНГ, ОП

Томдан тараша тушгандек қутилмаганда айтилган бу гаплардан довдираб қолдим. Нима дейишни билмай:

— Нафас олса бурун тўладиган чанг қишлоғингизга келаман деб ўлиб турганим йўқ эди, сизларга ёрдам бергани олиб келишди, — дедим.

— Ёрдамга келган эмиш булар. Ўргилдим сенларнинг ёрдамингдан! Иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай парвариш қилган пахтамизни энди териб пулини оламиз, ҳеч бўлмаса, болам бечораларнинг оёғига буюм қилармиз, десак, сенлар келиб териб кетасанлар. Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади, деб шуни айтади-да. Қоч, нариги қаторга бор! Қоч дедим сенга! — деб жеркиб ташлади.

Нима бўлаётганини тушунолмай, анча вақтгача гандираклаб тургач, эгатлардан бирига бориб ўтирган эдим, тўққиз ёшлардаги қорачадан келган бир қизча онасини чақирди:

— Ойи, қаранг, қаторимга биров тушяпти!

Бу ердан ҳам қувғин қилишди. Нима қилишни билмай, пахтаси териб олинган эгатлардан бирига ўтиб, ўтирганча хаёлга чўмдим: "Нахотки, қахратон совуқларда, жазирама иссиқларда тобланиб, шу қадоқ қўлларнинг меҳнатига эмас, меҳнат билан китобхонлик лан топган нонига шерик бўлсам?! Нахотки, ураётганликларини ри жовдираб, йиртиқ ковушлар[illegible]ига меҳнат қилаётган шу м[illegible]азалдан аён ҳақиқат: мажбурлик ва зўрлик ёрдамида ер эгаси бўлган [illegible]зкини ояётган бўлса[illegible] манфаати, юртимни[illegible]

БОЛАФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Фурсат кўз ёриб,
Хонам хорижида тўхтаб қолса вақт.
Кўксимни минг битта бўлакка бўлиб,
Олса изтиробли қучоғига бахт...

Мутолаага нисбатан ижтимоий муносабат қачон ўзгаради? Фикри ожизимизча, айтайлик, раис бува довруғи етти иқлимга етадиган тўй қилгани билан эмас, қишлоқ мактабига фалон дона китоб совға қилгани билан фахрланиб юрса; ҳоким бобо қишлоқ марказига йил бўйи ҳувиллаб ётадиган мармар спорт қошонаси эмас, одмигина кутубхона қургани билан ғурурланса; тўй-маъракаларда дастурхоннинг тўри, ноз-неъматларнинг қаймоғи енгилтак отарчи рақосалар устидан пул сочадиган "Янги ўзбек"кагина эмас, зиёли кишига ҳам озгинагина насиб этиб турса, ҳоказо ва ҳоказо. Эҳтимол, шунда жамиятимизда менсимаган назарга, андак истеҳзоли муносабатга эмас, ҳақиқий эҳтиромга сазовор ЎҚИЁТГАН ОДАМ тимсоли шаклланар. Илло, бу дунёда мутолаага банд одамдан кўра улуғроқ, дардлироқ, куюнчакроқ, самимийроқ, инсонийроқ одамнинг ўзи бормикин?

Аммо бу ният қачон воқеликка айланади? Айланармикин? Уни бизнинг авлод кўролармикин...

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

СОБИРТЕПАДАГИ ЎЙЛАР

Ўз вақтида аҳли фозиллар, забардаст адиблару сўзга чечан шоирлар кўп ва хўп ёзган табиатнинг такрорланмас, мўъжизавий бу маскани ҳақида улардан-да ошириб бирор бир янги сўз айтиш ниятида эмасмиз. Мақсадимиз — мустақиллик шарофати туфайли, таъбир жоиз бўлса, тошда гул ундираётган бойсунликлар, умуман, Бойсун ҳақида, унинг бағрида бугунги кунда кечаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар хусусида фикр юритиш, холос.

Аслида бойсунликлар табиатпарастроқ, юртпарастроқ бўлиб туғиладилар. Бунинг сабабини бу гўшага бетакрор гўзаллик бахш этган табиатнинг ўзидан сўраган маъқулроқмикан... Хуллас, ана шундай табиат шайдоларидан бири - ажойиб журналист Собир Ёдиков кунлик одатини канда қилмаган ҳолда Бойсунга кираверишдаги довоннинг энг баланд тепалигидан туриб тонг отишини кузатаётган эрта баҳор кунларининг бирида хаёлига келган ажойиб фикрдан кўнгли ёришади. Эртасига худди шу жойда куртаклари ҳали маст уйқуда бўлган, баҳор насимида ёнгил чайқалаётган нимжонгина гужум ниҳоли пайдо бўлганига ҳеч ким эътибор қилгани йўқ.

... Кейинчалик Бойсунга меҳмон бўлган ҳар бир ижодкор борки гурунг илинжида парвонадек ўзини урган ўша тепалик Собир ака қўлда сув ташиб қўкартириб олган гужум шарафига Собиртепа номини олади. Эҳ-ҳе, бу ерда ўтган ижодкорлар гурунги, машваратларнинг ҳар бири бир китоб битса арзигулик...

Мен эса кўнгилдан кечганларини қоғозга туширишни ният қилиб, йўлга тушдим.

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОН

Чорвачилик ҳамда деҳқончилик узоқ йиллар Бойсунда етакчи соҳа бўлди. Барча хўжаликларда деҳқончилик асосан лалмикорлик асосида амалга оширилади. Деярли самара бермайдиган ана шу усулда қишлоқ хўжалигини юритишга мажбур эди бойсунликлар. Юқорида бу юрт кишилари тошда гул ундиради, деганимда худди шу нарсани назарда тутгандим. Аммо мустақилликдан сўнг туман ҳокимлиги туманни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришнинг бугунги талабларга жавоб берувчи янги дастурини тузди. Бунинг натижасида, айниқса, кейинги уч-тўрт йил ичида мустақилликнинг биринчи йилларида бой берилган йўқотишлар, жумладан, чорвачиликдаги йўқотишлар қайта тикланди. Бунда туманда фермерликни тўғри йўлга қўйиш, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда мулкчиликнинг замонавий йўналишларига аста-секин ўтиш туфайли эришилди. Айниқса, тоғли ҳудудларда сабзавот, хусусан картошка етиштириш жадаллик билан ўсмоқда. Кўрғончанинг картошкасини кўрган голланд деҳқони ёхуд Дуоба, Мачайнинг олмаларини тановул қилган поляк биродарларимиз (айнан шу соҳада улар жаҳон бозорини забт этганлар), эндиликда тоғликлар бу тур маҳсулотар етиштиришда улардан кам эмасликларига имон келтиришлари турган гап.

ИСТИҚЛОЛ ТОНГИДАН НУРАФШОН БОЙСУН

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мавжуд сув ресурсларидан имконият даражасида оқилона фойдаланиш эвазига суғориладиган ва шартли суғориладиган экин майдонларини кенгайтириш асосий масала қилиб қўйилди. Натижада туманда дон етиштириш 4200 тоннадан 7900 тоннага, полиз 2322 тоннадан 6516 тоннага, узум 3000 тоннага, картошка 286 тоннадан 1515 тоннагача оширилди. 1999 йилнинг дастлабки 9 ойида вилоятнинг иқтисоди юксак туманларини ҳам ортда қолдирган Бойсунда барча кўрсаткичлар бўйича режаларнинг уддаланишига эришилди.

Агар 1994 йилдаги рақамлар билан бугунги рақамлар салмоғини қиёслаб кўрсак, туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий дастури тўғри, йўналишда кетаётганлигига амин бўламиз. Хусусан, беш йил давомида аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 317 сўмдан 1931 сўмга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 244 сўмдан 1375 сўмга, савдо хизмати 554 сўмдан 8460 сўмга, пулли хизмат 93 сўмдан 1558 сўмга оширилган.

Туман ҳокими муовини Очил ака Қўзиев ҳамроҳлигида тумандаги хусусий мулкдорларнинг ҳам ҳавас қилса арзигулик ишлари билан танишдик. Жумладан, 300 бош қорамол парваришида елибюгураётган "Ёмчи" фермер хўжалиги бошлиғи Нормурод Алланазаровнинг иш тажрибалари оммавийлаштиришга арзигулик. Яқинда вилоятда қорамолчиликнинг аҳволини ўрганиш жараёнида кўплаб туманларда хусусийлаштирилган чорвачилик комплексларида қулай шарт-шароитлар бўла туриб чорва бош сони кескин камайгани, йўқотилганига гувоҳ бўлгандим. Аммо Нормурод ака ана шулардан фарқли ўлароқ хусусийлаштирилган чорвани нафақат сақлаб қолди, балки уларнинг бош сонини оширишга эришган. Бугунги кунда бу фермер шаҳардаги барча болалар боғчалари, касалхоналар, вилоят болалар уйини арзон сут ва сут маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаяпти. Шунингдек, "Оқбулоқ" фермер хўжалиги, "Омонлик", "Остона", "Лайло", "Малика", "Камалак" каби ўнлаб кичик корхона, фирмалар Бойсуннинг иқтисодий юксалишида ўзига хос улуш қўшаётганлардан.

ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Вилоят ҳокими Ж.Норалиев туманга ташрифларидан бирида Бойсунни энг хушманзара масканга айлантириш лозимлигини таъкидлаб, тегишли маслаҳатлар берганди. Ана шу таклиф баҳонасида қисқа муддатларда туман марказини ободонлаштириш дастури тузилди. Четдан маблағ жалб этиш режалаштирилмаган ушбу дастур фақат бойсунликларнинг саъй-ҳаракатлари ва туман ҳокимлигининг раҳнамолигида амалга оширилиши мўлжалланган.

Бойсунликлар танти, мард эл эканликларини яхши биламан. Бир гал узоқ Дуоба қишлоғида бўлганимда, денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда барпо этилган лалми боғни кўриб ҳайратга тушгандим. Баланд газа(қир)да терасса (пиллапоя) усулида барпо этилган бу боғ ижодкори оддий тоғлик киши эканлигига кимдир ишонар, кимдир йўқ. Тошда ҳам боғ бунёд этишга қодир бундай кишилар юзлаб, минглаб топилади бойсунликлар орасида. Ана шундай юртпарвар бойсунликлар меҳнати туфайли икки йил давомида шаҳарнинг барча ички йўлларининг атрофи кўкламзорлаштирилди. Узоқ Тошкент, Наманган шаҳарларидан минглаб туп манзарали дарахт ва гул кўчатлари келтирилди. Шаҳар ободончилигини молиялаштириш учун мўлжаллаб очилган махсус ҳисоб рақамига нафақат хўжалик ва корхоналар, шунингдек, фуқаролар ҳам ихтиёрий улуш қўшаётганлари мақтовга арзигулик. Бугунги кунда қурилиши давом этаётган улкан "Алпомиш" боғмажмуи, тубдан қайта таъмирланаётган шаҳар айланма йўли, барча андозаларга жавоб берувчи тез тиббий ёрдам маркази, теннис корди, футбол ўйингоҳи. Мотамсаро она ҳайкали мажмуи, шаҳар марказида қад кўтараётган, тубдан таъмирланаётган ўнлаб замонавий биноларнинг ҳар бирига заҳматкаш бойсунликларнинг меҳнати, қалб кўри сингган. Ҳамроҳимнинг таъкидлашича, бу каби ибратли ишлар истиқбол берган имконият туфайли туманда амалга оширилиши мўлжалланган хайрли вазифаларнинг ибтидоси, холос...

АСОСИЙ ВАЗИФА - САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бошланган хайрли ишларнинг давоми ҳақида туман ҳокими Т.Ҳамроевнинг иш бўлмасида суҳбатлашдик. Узоқ йиллардан буён оғир тоғ шароитидаги туманни бошқариб келаётган биринчи раҳбар иқтисодчи сифатида Бойсуннинг ҳақиқий келажагини саноатнинг ривожланишида деб билади. Суҳбат асосида Тўрақул ака ўз фикрлари тасдиғи сифатида етарли асослар, аниқ рақамларни ҳам ўртага ташлайди.

Бир вақтлар Бойсуннинг довруғини таратган иккита саноат корхонаси - вилоятдаги йирик тўқимачилик ва тикувчилик фабрикалари шу ерда жойлашган. Аммо фақат Россиядан келтирилган хом ашёда ишлаган ҳар икки корхона бугун иқтисодий алоқалар узилгани боис деярли тўхтаган. Туман ҳокимининг иш столида турган ҳужжатлар пакетида биринчи навбатда ана шу корхоналар базасида қўшма корхоналар ташкил этиш жойлаштирилган. Иккинчи масала - республикада энг юқори сифатли кўмир берувчи Тўда кўмир кони ҳавзасини чет эллик инвесторлар ҳамкорлигида тўлиқ ишга солиш. Бу масалада ҳамкорлар билан бошланғич музокаралар олиб борилган. Ҳар уч масала юзасидан муаммолар транспорт коммуникацияси, хусусан, темир йўл хизмати муаммосига бориб тақалади. Қурилиши давом этаётган Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли мазкур муаммони ҳал этувчи бирдан-бир нажот кўпригидир.

- Бойсун замини кўмир, сланец, олтин, нефть, газ ва бошқа юзлаб номдаги бебаҳо бойликларни ўз бағрида яширган, — дейди ҳоким суҳбат давомида. - Имкониятларимиздан келиб чиқиб маҳаллий хом ашёдан бўр, алебастр, карбид ишлаб чиқарувчи кичик заводлар қуриб ишга туширдик. Эндиги вазифа -, ҳамкорлик асосида йирик карбид заводи, аргелит заводи, яна битта алебастр цехи, цемент заводи қуришни амалга оширишдан иборат. Темир излар етиб келгач беш-олти йилда Бойсун нафақат вилоят, балки мамлакатда ривожланган саноат шаҳрига айланади.

Дарҳақиқат, туман раҳбарининг иш столида турган ва амалга оширилиши мўлжалланган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар режалари салмоғи залворли. Республика Президентининг ҳомийлиги туфайли тўрт йил давомида шаҳар аҳолисининг 90 фоизи (туман аҳолисининг 40 фоизи) газлаштирилгани ўтган етмиш йил давомида даладан ўтин терган бойсунликлар ижтимоий ҳаётидаги тарихий ҳодисадир. Айни пайтда қишлоқларни газлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Кофрун сел тутгич иншооти қурилиши ҳам жадал олиб борилмоқда. Келгусида минглаб гектар ерга оби ҳаёт берувчи бу иншоотнинг тезроқ ишга туширилишидан нафақат сув омбори ҳавзасидаги хўжаликлар, балки бутун бойсунликлар бирдек манфаатдор бўлишади. Шунингдек, туманда қарийб 80 фоиз мактаб ўқувчилари замонавий мактаб биноларида таълим олаётгани ва бу ўз навбатида туманда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда катта имкониятлар яратаётгани ҳам истиқлол туфайлидир.

Даврон ОРИПОВ

КЕЧИНМА

Дастлабки кунларда ўзини кўз-кўз қилиб кўзни қамаштирган оппоқ пахтазор эндиликда бефайз кўринар, оёғим, буйрагим зирқираб оғриб, эгилиб пахта тергани қўймасди. Шундай бўлса-да, ёнимдаги тенгдошларимнинг меҳнат қилаётганини кўриб: "Менинг шулардан қаерим кам? Нега тенгдошларим қатори ишламаслигим керак? Ахир, биз пахтакорларга ёрдам бергани келганмиз-ку!" — деган ўй миямда айланганча, бор кучимни йиғиб, эгатга тушдим. Шу пайт аёл кишининг: "Ҳой қиз, қоч бу қатордан!"— деган овози эшитилди. Ҳайрон бўлдим: "Менга айтаяптими? Йўғ-э!.."

Таажжубим ортганча ишимни давом эттирдим.

— Ҳой сатангча, сенга айтаяпман! Нима қиласан қўлингдан келмайдиган ишга уриниб! Ундан кўра шаҳарга бориб ўқишингни бажарсанг-чи!

нат қилмоқчи эдим-ку!" Паришон хаёллар билан овора бўлиб, куннинг қандай кеч бўлганини ҳам билмай қолибман.

...Субҳидам. Эринибгина [illegible] доримни очдим. Ташқаридан табе[illegible]батта, кўнгилга андаккина бўлса-да, иликлик олиб кидоқ, айниқса, уйқ[illegible]и эпкинлар йўқ эмас: ҳар нечук, китоблар чоп этилиб сиз туюладиган о[illegible]лди. "Шарқ юлдузи" ёки "Ёшлик" журналининг қайси Турмоқчи бўлиб[illegible]и сонини қараманг, албатта янги асарга дуч келасиз. Бу зарбли оғриғида[illegible] Зоминда бўлиб ўтган ёш ижодкорлар семинар-кенгаси Ёнимдаги қизла[illegible]да 50 га яқин шоиру шоиралар қаторида турли вилоятбирин-кетин уйғо[illegible]дан келган олтита адиба синглимиз иштирок этиб, ўзлари[illegible]инг бир роман (!), иккита қисса ва ўттизга яқин ҳикояла— Энди нима [illegible]и муҳокамага қўйишди (қайд этиб ўтайлик, уларнинг лим қолмаган. Ре[illegible]да энг саралари "Ёшлик"нинг 6-сонида эълон қилинсдошларим олди[illegible]да). Куни кеча эса хоразмлик бир қурувчи йигитимиз бир қиз дугонаси[illegible] романини қўлтиғига қисганча редакциямизга кириб кел— Нимасини а[illegible]ди. — Менинг та[illegible]ммо асар ўқиш учун ҳам яратилади-да. Бугун газета-Беш кундан бу[illegible]нал, китобларимиз тиражи бундан 10-15 йил илгаригинисбатан 10-20, ҳатто 50 баробар камайиб кетди. Ўқув[illegible]ар сони ҳам шу атрофда озайди. Тезкор, шиддат билан [illegible]аётган давримизнинг қурбонликларидан бири мутолаага [illegible]ббат бўлди. Бу муҳаббат қайтадан уйғонадимми? Бунинг [illegible] нималар қилиш керак? Қани эди бу саволнинг аниқ [illegible]оби, тайёр рецепти бўлса...

[illegible]озирча эса атрофга, ён-веримизга андаккина зеҳн со[illegible]қарайлик. Қайси ҳамкасбимиз китоб ёинки бадиий жур[illegible]ўқияпти? Қайси таниш-билишимиз китоб ҳақида гапи[illegible]ти? Узундан-узоқ тўй-маъракалар, ёб-ичишлар, сайру [illegible]ватлар учун фурсат топганимиз ҳолда, мутолаа учун оз[illegible]агина вақт ажратолаяпмизми?..

[illegible]из, ҳа, Сизнинг ўзингиз, ярим кечаси уйғониб кетиб, [illegible]кли китобингизни қидириб қолганингизга қанча бўлди? [illegible]ман, тушганмисиз шундай аҳволга? Ахир, мутолаа энг [illegible]ало изтиробли бахт эмасми... Ўзим-чи?..

Мен англаб тураман, қаноат лозим:
[illegible]ўналғам, рўзғорим... Минг шукр жоиз.
[illegible]ироқ юмуш тугаб, тураётган чоғим
[illegible]итиқлайверади дилни ғалат ҳис.

[illegible]ов бир замонлардай,
[illegible]ошикни қулфлаб,
[illegible]ошитмай жиғилдон хитобларини,
[illegible]Ҳавондан бирма-бир олсам авайлаб
Интизор кўз тутган китобларимни.

Таом танлармиди ютоқкан банда,
Ўқийверсам дейман барин бирма-бир -
Унутиб не макон ва не замонда,
Мени ҳам унутса дунёи кўтир.

Ҳов бир замонлардай

Машҳур ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст "Лолазор" романининг иккинчи китобини ёзаётганмиш

ШҚОТИРМА

Ўтмишда ислом давлатида энг юқори турувчи ҳукмдор. 24. Қуръони Каримнинг энг катта сураси. 25. Саломнинг жавоби. 26. Соғлом, эсон-омон. 27.Хушбўй уруғи таомга солинадиган ўсимлик. 28. Туриш маъносини берадиган сўз. 29. Парилар билмаганни ҳам билувчи шахс. 30. Бир таом номи. 31. Аруз вазни бахрларининг бири. 32. Музлатгичларда ишлатиладиган кимёвий модда. 33. Шоҳнинг қизи.

Тузувчи: Нилуфар МИРҲОЖИЕВА